

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

**“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат
банкларининг капитал маблағларини ошириш йўллари”
(ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали мисолида)
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Иқтисодиёт (тармоқлар
ва соҳалар бўйича)” таълим
йўналиши битирувчиси 4 курс
талабаси Сабилов Қ.Ш.

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Кат.ўқит Хамраев О.Я.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси “_____” _____ 2014 йил

ТОШКЕНТ-2014 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ МОҲИАТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	8
1.1. Тижорат банклари капиталининг моҳияти, шаклланиши ва унга таъсир этувчи омиллар.....	8
1.2. Тижорат банк капиталининг таркибий тузилиши ва меъёрлари	19
II-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ОАТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ БАНК” КАПИТАЛ РЕСУРСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ	31
2.1. ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" капитал ресурслари шаклланиши ва унинг фаолияти таҳлили	31
2.2. ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Хива филиали капитал маблағларининг таркиби тузилиш ва унинг ҳолати	41
III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИ ОШИРИШ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ	50
3.1. Тижорат банклари капитал етарлилигини тартибга солишда Базель II стандартининг асосий талаблари	50
3.2. Тижорат банклари капиталини ошириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.	60
ХУЛОСА.....	67
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ.....	70

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банклари капиталлашиш даражаси оширилишини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Тижорат банклари капиталлашиш даражаси оширилишининг мамлакат иқтисодийни модернизациялашдаги роли масаласига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагича баҳо бериб ўтадилар: “...биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалик манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғли иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор”¹.

Бугунги кунда, таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банклари капиталлашиш даражасини янада оширишнинг ҳали ишга солинмаган захиралари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан янада оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу масалани мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради ва танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари капиталлашиш муаммосининг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар – А.Симановский, В.Усоскин, Д.Полфреман, Г.Белоглазова, Ж.Синки, О.Лаврушин, Ж.Матук, Д.Макнотон, К.Барлтроп, Х.Фурукава, Э.Рид, Э.Роде, Р.Коттер, Э.Доланлар²нинг илмий ишларида

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 57.

² Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград.1991.

ўрганилган. Масалан, А.Симановский Базель қўмитаси томонидан таклиф қилинган кредит рискининг 150 фоизли даражасини қўллашни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди³.

Ўзбекистонлик олимлардан Б.Бабаев ва А.Омоновларнинг диссертация ишларида тижорат банклари капиталлашишининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган. Масалан, А.Омоновнинг “Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари” мавзусидаги докторлик диссертациясида тижорат банклари капиталлашиш муаммоси микродаражада ва миқдорий жиҳатдан тадқиқ қилинган⁴. Б.Бабаевнинг “Тижорат банклари ресурсларини шаклланиши ва ундан самарали фойдаланиш масалалари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида тижорат банклари ресурсларининг депозитли ва депозитсиз манбалари нисбати тадқиқ қилинган ва банк капиталини фақатгина ресурслар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши тадқиқ қилинган⁵. Битирув малакавий ишда тижорат банкларини капиталлаштириш масаласи микро ва макродаражада сифат жиҳатдан тадқиқ қилинган ва капиталнинг етарлилиқ даражасининг ўзгаришига хос бўлган тенденцияларига баҳо берилган.

Тадқиқотнинг мақсади – Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

– тижорат банклари капитали таркибини шакллантириш ва етарлилигини таъминлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш ва

– 446 с.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. Т.1. – 323 с.; Финансў и кредит. Учебник. Под ред. Белоглазовой Г.Н. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 575 с.; Банковское дело. Учебник. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансў и статистика, 2005. – 672 с.; Рид Э., Коттер Р. Коммерческие банки. Пер с англ. – М.: Космополис, 1991. – 478 с. 47.; Синки Дж. Управление финансами в коммерческом банке. М. Инфра, 1995. - 820 с.

³ Симановский А. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективы их реализации//Деньги и кредит, 2000, №6.- С. 25.

⁴ Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 35 б.

⁵ Бабаев Б.Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование. Автореф. дис... канд. эк. наук. – Ташкент: БФА. 2002. – 21 с.

тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

- республикамиз тижорат банклари капиталлашиш даражасининг ўзгаришига хос тенденцияларни аниқлаш;

- тараққий этган мамлакатлар тижорат банклари капиталини шакллантириш ва миқдорини ошириш борасидаги илғор тажрибаларини умумлаштириш ва улардан республикамиз амалиётида ижобий фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан ошириш борасидаги муаммоларни аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасини оширилишига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тижорат банки ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари капиталини шакллантириш ва ошириш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот методлари: илмий абстракция, иқтисодий ва статистик таҳлил усуллари.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- тижорат банклари капитали етарлилигини баҳолашнинг амалдаги услубиётларининг ижобий жиҳатларини ўзида акс эттирган баҳолаш услубиёти таҳлил этиш;

- республикамиз тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларини чиқариш ва инвесторларнинг ушбу акциялардан оладиган даромадларини солиқдан озод қилиш йўли билан мазкур акцияларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурслари миқдорини ошириш, уларнинг биринчи даражали капитали миқдорини кўпайтириш таклифи асослаб бериш;

–республикамиз тижорат банклари капитал базаси барқарорлигини ошириш мақсадида капитал таркибини Халқаро Базел қўмитасининг тижорат банклари капитал таркибини шакллантириш бўйича белгилаган талабларига тўлиқ мувофиқ келишини таъминлаш ва тижорат банклари умумий капиталининг ўсиш суръатини ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан орқада қолишига йўл қўймаслик таклифи асослаб берилди;

– тижорат банклари девальвация захирасини банкларнинг тақсимланмаган фойдаси ва жорий йил фойдаси ҳисобидан воз кечиш таклиф қилинди.

Ишнинг илмий янгилиги:

– тижорат банклари капитали етарлилигини баҳолашнинг такомиллашган варианты ишлаб чиқилди;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасининг динамикасига хос бўлган хусусиятлари аниқланди;

– тараққий этган мамлакатлар тижорат банклари капиталини шакллантириш ва миқдорини ошириш борасидаги илғор тажрибалари умумлаштирилди ва улардан республикамиз амалиётида ижобий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– Ўзбекистон тижорат банклари капиталлашиш даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан ошириш борасидаги муаммолари моҳияти очиб берилди;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасини оширилишига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан республикамиз банк тизимининг барқарорлигини оширишга бағишланган махсус илмий-тадқиқотлари шундаки, ишнинг алоҳида илмий таклиф ва амалий тавсияларидан республикамиз тижорат банклари капиталлашиш даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш материалларидан иқтисодий йўналишдаги олий

ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Банк иши”, “Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш”, “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш таркибан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг биринчи боби тижорат банклари капиталининг моҳияти, вазифалари ва ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда тижорат банклари капитали моҳияти, шаклланиши, таркибий тузилиши ва унинг меъёрлари ёритилган.

Иккинчи бобда иқтисодийни модернизациялаш шароитида ОАТБ “қишлоқ қурилиш банк” капитал ресурсларининг шаклланиши, бугунги ҳолати ва Хива филиали кўрсаткичлари таҳлил этилган ва ундаги мауммолар аниқланган.

Учинчи бобда иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банклари капиталини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари ёритилган бўлиб, унда тижорат банклари капитал етарлилигини тартибга солишда халқаро талаблар ёритилиб, Ўзбеекистонда тижорат банк капитал етарлилигини унга мослаштириш масалалари кўриб чиқилган ва банк капиталини ошириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий иш ҳажми 72 бетдан иборат бўлиб, 10 та жадвал ва 8 та расмни ўз ичига олади.

I. БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ МОҲИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

1.1. Тижорат банклари капиталининг моҳияти, шаклланиши ва унга таъсир этувчи омиллар.

Тижорат банклари ҳозирги замон иқтисодиётининг энг муҳим молиявий унсурларидан бўлиб, уларнинг вужудга келиши нисбатан узоқ даврларни ўз ичига олади. Асосан банкларнинг пайдо бўлиши товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тизимларда банкларнинг ҳам мавжуд бўлишини тақозо этади.


Банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши товар-пул хўжалигининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Адабиётларда қийматнинг пул шакли муомаласининг бошланиши банк ишининг бошланиши деб ҳисобланиб, банк фаолиятининг ривожланиши доимо иқтисодиётдаги товар-пул муносабатларининг ривожланиш даражасига мос келиши таъкидланади.⁶

Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида, банк нима, деган саволга қуйидагича жавоб топиш мумкин: «Банк – бу тижорат муассасаси бўлиб жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан тўловлилик, муддатлилик, қайтариб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради».

⁶ Деньги, кредит, банки. Учебник под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. М., 2004, с.492.

Шу ўринда, банк тизими таркибига кирувчи алоҳида тузилмаларнинг ўз фаолияти хусусиятидан келиб чиқувчи тор доирадаги вазифалари ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, ҳозирги замон тижорат банклари ҳам юқорида белгилаб ўтилган умумий вазифаларни бажаради, яъни:

- вақтинча бўш турган пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;
- корхона, ташкилот ва аҳолини кредит ресурслари билан таъминлаш;
- кредит пулларни муомалага чиқариш;
- иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;
- молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;
- иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш ва ҳ.к. Бу вазифаларнинг асосийларини 1.1.1-расм орқали ифодалаш мумкин.



1.1.1-расм. Замонавий тижорат банкларининг вазифалари⁷

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хизматларни кўрсатади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар тобора

⁷ Манба: Роуз Питер “Банковский менеджмент”, М. Дело ЛТД. 1995

чуқурлашиб бораётгани тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш ва уни мунтазам такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банклари капитали самарадорлигини ва унинг мувофиқлигини таъминламасдан туриб, банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, аҳоли ва инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини қозониш мушкул вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб банк-молия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, молиявий барқарорликни таъминлаш, тижорат банклари капиталлашув даражасини янада ошириш, эркинлигини мустаҳкамлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг жамикапитали 2011 йилга нисбатан 24,3 фоизга кўпайди ва 6,2 триллион сўмга етди.

Бироқ, тижорат банклари устав капиталининг барқарорлик даражасини, банк активлари хавфсизлигини таъминлаш, капитал таркибини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш, банкларнинг регулятив капиталини бошқаришни халқаро Базель андозалари талабларига мослаштириш каби муаммолар мавжудлигини алоҳида қайд этиб ўтишложим. Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш учун банк капитали бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, яъни унинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларини, хориж тажрибаси ва республикамиз амалиётини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Жумладан, МДХ мамлакатлари ва республикамиз олимларининг банк капитали тўғрисидаги ўз қарашлари ва ёндашувлари умумлаштирилган ҳолда банк капитали моҳияти бўйича қуйидаги хулосага келинди, банк капитали—бу:

ҳуқуқий категория сифатида, қонунчилик меъёрларига мувофиқ ҳисобланувчи банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга, банк фаолиятидаги хавф-хатарларни чеклашга мўлжалланган кўрсаткичдир;

моддий категория сифатида, банкнинг ўзига тегишли,

мажбуриятлардан холи бўлган, доимий, барқарор характердаги маблағлари манбалари ҳамда узок муддатли, ўзгармас шартлардаги қарзлари тушунилади;

Иқтисодий категория сифатида, банкнинг тўловга қобилиги, мустақиллигини таъминлаш ва фаолият кўламини кенгайтириш имконини берувчи банк молиявий ресурслари ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, тижорат банки капитали - бу, банк фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаси бўлиб, банкнинг операцион жараёнларида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Иқтисодий адабиётда тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш масаласи ҳар жиҳатдан чуқур тадқиқ қилинган ишлар ҳамда бу борада аксинча, кўплаб мунозарали фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

О.Лаврушин, И.Мамонова, Н.Валенцева ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Банковское дело” дарслигида Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари капитали етарлилигини баҳолаш методикасининг АҚШ Федерал захира тизими ва Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан ишлаб чиқилган методикалардан афзал жиҳатлари асослаб берилган⁸.

А.Симановский фикрига кўра, Базель кўмитасининг кредит рискин 150% даражасида баҳолаш хусусидаги таклифининг амалиётга жорий қилиниши тижорат банклари капиталининг етарлилик даражасини сунъий равишда ошириш заруриятини юзага келтиради⁹.

Фикримизча, А.Симановский масаланинг бошқа бир жиҳатини эътибордан четда қолдирган. Яъни, кредит рискин муддати ўтган кредитлар бўйича 150% қилиб белгиланиши тижорат банкларини табиий равишда кредит портфелининг сифатини яхшилашга мажбур қилади.

Д.Полфреман, Ф.Фордлар тижорат банкларининг устав капиталини

⁸ Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцева Н.И. Банковское дело. – М.: КНОРУС, 2008. - С. 211-215.

⁹ Симановский А. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективы их реализации//Деньги и кредит, 2000, №6.- С. 25.

барқарор молиялаштириш манбаи эканлигини эътироф этади ва бунда оддий акцияларга тўланадиган дивидендларнинг юқори ва барқарор даражасини таъминлашнинг зарурлиги таъкидланади¹⁰.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Омонов ўзининг “Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари” мавзусидаги докторлик диссертациясида республикамиз тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўйидаги илмий таклифларни ишлаб чиққан:

- тижорат банклари регулятив капитали таркибида мустақил балансга эга бўлмаган шўъба қурилиш корхоналарини қилинган қўйилмалар суммасини киритиш лозим;

- банкларнинг захира капитали таркибидаги девальвация захирасини тўлиғича қўшимча капитал таркибига ўтказиш зарур;

- тижорат банкларининг узоқ муддатли субординар қимматли қоғозларини муомалага чиқариш зарур¹¹.

Фикримизча, девальвация захирасини тижорат банкларининг умумий капитали таркибида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, девальвация захираси беқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади; иккинчидан, Базель қўмитаси девальвация захирасини тижорат банкларининг капитали таркибида ҳисобга олишга рухсат этмайди.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт ва унинг такомиллаштирилган варианты бўлган Базель-II да тижорат банклари капитали таркибини шакллантиришга бевосита таъсир қилувчи талаблар мавжуд. Бу эса, мазкур талабларнинг тижорат банклари капитал базасига таъсири масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

¹⁰ Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С. 105-106.

¹¹ Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 29.

Юқорида айтилган банкнинг ўз капиталининг функцияларидан хулоса қилиб айтсак, банкнинг ўз капитали - банк тижорат фаолиятининг асосидир. У банк мустақиллигини ва турли рисклар бўйича салбий оқибатларни олдини олиш манбаи бўлиб, молиявий барқарорликни таъминлайди.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпайиб бормокда.

Ҳозирги кунда республикаимизда 2013 йилни 1 январ ҳолатига 29 турдаги, шундан 3 та давлат мулкига асосланган, 12 та акционер - тижорат, 9 та хусусий ва 5 та чет эл сармоясини ҳиссаси билан тижорат банклари мавжуд.

Банкларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги ва бошқа қонунлари ҳамда банклар бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларини ташкил қилиш 1999 йилни 11 – феввалида қабул қилинган «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги 630 – сонли Низом асосида олиб борилади. Ушбу Низомга асосан тижорат банклари очиқ ёки ёпиқ акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Марказий банк томонидан белгиланган банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида, филиаллар рўйхатга олинаётганда эса ушбу маблағнинг ярми миқдорида ҳақ тўланиши, устав капиталининг 30 фоизидан ортиғи хорижий шахсларга тегишли бўлган банклар ва шуъба банкларини рўйхатдан ўтказишда 5000 АҚШ долларига тенг суммада ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга асосан банк устав капиталини шакллантиришга давлат ҳокимият органлари, жамоа бирлашмалари, жамоа фонди маблағлари, шунингдек

кредитга ва гаровга олинган маблағлардан фойдаланиш ман этилади.

«Банкларни рўйхага олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги улуши 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 7 фоизидан ошмаслиги керак. Шунингдек банкларнинг бошқа банклар устав капиталида иштирокига рухсат этилмайди. (шуъба банклар ташкил этиш бундан мустасно). Ҳар бир банк ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 – апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 56 – сонли қарорига кўра тижорат банклари ўз капиталларини бир маромда ўсиб боришини таъминлаш, кредит портфели сифатини яхшилаш, лойиҳаларини молиялашни такомиллаштириш ва бошқа вазифалар кўйилган.

Тижорат банкларининг аксарияти акциядорлик банклардир. Уларнинг устав сармояси таъсисчилар қўшган маблағлардан ташкил топган. Бундай тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг катта қисмини ташкил этади. Давлат-тижорат банклари устав фондининг асосий қисми давлат бюджетидан ажратилган бўлади. Хусусий банклар устав фондининг асосий қисмини бу банкни ташкил этган хусусий шахс маблағи ташкил этади.

Тижорат банклари ўз маблағлари манбаига устав капитали ва резерв капиталидан ташқари турли мақсадлар учун тузилган жамғармалар (фондлар) ва тақсимланмаган фойда киради.

Тижорат банклари ўз маблағлари манбани таҳлил қилишда, унинг шаклланиши ва етарлилигига эътибор бериш лозим.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари унинг фаолиятининг асосини ташкил қилади, чунки улар жалб қилаётган депозитлар, яъни реал кредит ресурслари ҳажмини пировард натижада актив амалиётлар ҳажмини белгилаб беради. Банкнинг ўз маблағлари тижорат банкларининг

фаолиятини бошқарувчи ва улар устидан назоратни амалга оширувчи Марказий банк учун муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Банкнинг ўз маблағларига устав фонд (капитал) резерв фонди ва банк фойдаси ҳисобига ташкил топадиган банк фондлари, ҳамда йил давомида тақсимланмаган фойда киради. Амалиётда банк пасивларининг 20 фоизи банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади. Банкнинг ўз маблағлари ичида асосий ўринни устав капитали эгаллайди.

Банкнинг устав капитали - бу банк ишини ташкил қилишнинг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади.

Банк капитали унинг фаолият юритиш чегараларини белгилаб беради, инвесторлар ҳамда акциядорлар ва қолаверса, банкнинг ўзи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий барқарорлик даражасини кўрсатиб беради.

Банкнинг ташкил топиш шаклига қараб, устав капиталининг шакллантирилиши турлича бўлади. Агар банк акционерлик жамияти кўринишида шаклланаётган бўлса, устав фонди акцияларининг номинал қиймати кўринишида ташкил топади. Бунда акциялар очиқ обуна қилиш йўли билан ёки таъсисчиларнинг устав фондидаги улушларига қараб тарқатилиши мумкин.


Агар банк маъсулияти чекланган жамият кўринишида тузилган бўлса, устав фонди улушларга бўлинган ҳолда бўлади. Уларнинг ҳажми таъсис ҳужжатлари билан аниқланади. Бунда банк иштирокчилари ўзларининг улушлари меъёри чегарасида мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар.

Банкнинг ташкилий - ҳуқуқий шаклига қарамай, унинг устав фонди ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг тўловлари орқали шаклланади ва таъсисчиларнинг мажбуриятларини бажариш учун хизмат қилади. Устав фонди фақат банк иштирокчиларининг хусусий маблағлари ҳисобига ташкил топиши мумкин. Жалб қилинган кредит, гаровга олинган, бошқа йўллар билан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан устав фондини шакллантиришга йўл қўйилмайди. Банкнинг устав фонди фақат пул маблағлари ва моддий активлар ҳисобига ташкил топиши мумкин.

Ташкил этилаётган банк капиталини энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади. Марказий банк фаолият шартлари, бизнес - режада кўрсатилган операциялар тури ва ҳажмига қараб, банк устав капитали миқдориغا қўшимча талаблар қўйиш мумкин. Устав фондининг минимал миқдори банкнинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун ўрнатилади.

Банк устав капитали миқдорини ўзгариши ва ўзгаришни рўйхатга олиш тартиби Марказий банк томонидан тартибга солинади.

Банкларни устав капиталининг минимал миқдорини белгиланиши банкларни ҳар хил рисклардан сақлаш мақсадида белгиланади. Чунки банк устав фонди қанча катта бўлса, унинг ресурслари ҳам кўп бўлади. Тижорат банкларининг капитал ресурслари ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шаклланади (1.1.2-расм).



1.1.2-расм. Тижорат банклари капитал ресурсларининг шаклланиши манбалари¹²

Тижорат банкларининг устав капитали банк уставида кўрсатилади ва

¹² Чизма банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

банк фаолиятини бошлашнинг дастлабки маблағ ҳисобланади. Тижорат банклари устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмаган, лекин банклар фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб қўйилади.

Банкнинг ташкилий шаклига қараб, устав капитали ошиши мумкин. Акционерлик жамияти кўринишидаги тижорат банклар ўз устав капиталини оширишлари учун қўшимча миқдорда акциялар чиқаришлари ва уларни юридик ва жисмоний шахслар орасида тарқатиши мумкин. Қўшимча маблағларни жалб қилишда бу банкларга ўз қарз мажбуриятлари - облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилган. Облигациялар барча акциялар тўла тўланиб бўлгач, устав фондининг 20% дан ошмайдиган қиймати ҳажмида чиқарилиши мумкин.

Масъулияти чекланган жамият кўринишида ташкил топган банклар ўзларининг устав капиталларини ёки қўшимча иштирокчиларни улушини ошириш орқали кўпайтиришлари мумкин.

Ҳар йили ҳар бир банк акционери (иштирокчиси) ўзининг устав капиталидаги улушига мос равишда банк фойдасининг бир қисмини дивиденд кўринишида олади.

Дивидендлар ҳажми ва уни ҳисоблаш тартиби акция тури ва чиқарилиши шартларига боғлиқ бўлади (оддий ёки имтиёзли акциялар).

Тижорат банклари актив операциялари натижаси бўлмиш резерв фондлар банк етарли фойда олмаган пайтда банк облигациялари бўйича фоиз бўлиб хизмат қилади. Резерв фонд фойдадан ажратмалар ҳисобига шаклланади.

Банкнинг мижозлари олдидаги мажбуриятларини таъминлаш - банк маблағларининг асосий функцияси бўлиб ҳисобланади. Уларга ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарликни таъминловчи катталик сифатида қаралиши мумкин. Банк амалиётида капитал ресурсларни йўқотиш натижасида зарар кўрилганда банк тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун ресурслар резерв бўлиб ҳисобланади. Чунки банк капитали акционерларга

қайтарилмаслиги ҳам мумкин. Банкнинг ўз ресурслари миқдори унинг фаолият қўламига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маблағлари ҳажмидан келиб чиқади. Банкнинг ўз маблағлари унинг моддий базасини ривожлантириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банкнинг ўз капитали миқдори кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Бу омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисидаги қонунга мувофиқ, банкнинг ўз капитали ҳажми унинг актив операцияларини чегаравий ҳажмини белгилаб беради. Шунинг учун маълум миқдор мижозларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган банк (мисол учун, тармоқ банки) белгиланган нормативларга риоя қилган ҳолда, ўзлик капиталининг шундай миқдорига эгалик қилишлари керакки, ўз доимий мижозларининг асосланган қарз маблағларига бўлган талабларини қондиришлари лозим.

Иккинчидан, банк учун зарур бўлган ўзлик капиталининг миқдорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Майда, лекин сон жиҳатдан кўпчиликни йирик кредит олувчи корхоналарни ташкил қилувчи банкда ўз маблағлари нисбатан кўп миқдорда керак бўлади. Чунки йирик мижозларга хизмат қилувчи банкларда кредитнинг қайтарилмаслик rischi катта бўлади.

Учинчидан, тижорат банкининг ўз капитали миқдори, унинг актив операциялари характериға боғлиқ бўлади. Банк олиб бораётган операциялари катта рисклар билан боғлиқ бўлиши, ўз маблағларининг нисбатан кўп бўлишини тақозо этади. Бу ҳол, хусусан, инновацион банкларга тегишлидир. Агар банкнинг кредит портфелида минимум рискли ссудалар кўпчиликни ташкил қилса, банкнинг маблағлари нисбатан кам бўлиши мумкин.

Банкнинг актив операциялари характериға қараб, банк капитали ва унинг турли даражадаги рискли активлари ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўрнатган нормативлари банкнинг ўз капитали миқдорини аниқлашга бир қанча йўналишлар белгилаб беради.

Банк капитали ҳажмини аниқлаётганда банклар бу маблағлар

олинадиган фойда миқдорини аниқланмаслигини ҳам эътиборга олишади. Бу фақатгина, банкнинг аниқ миждозлар доирасига хизмат кўрсатиш имконини очиб беради.

Тўртинчидан, банкнинг зарурий хусусий капитал миқдори кредит ресурслари бозорининг ривожланганлик даражасига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олиб бораётган пул - кредит сиёсатига боғлиқ. Ривожланган бозор шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эркинлаштирилган кредит сиёсатини олиб боришга йўл очиб бериши натижасида тижорат банкининг кредит ресурсларига талабини қондириш осонлашади ва банкнинг зарурий ўз маблағлари даражаси камаёди. Етарли даражада молия бозорининг ривожланмаганлиги, кредит сиёсатининг қаттиқ қўллиги банкларнинг ўз маблағларини доимий тарзда оширишни талаб этади.

Банкларнинг ўз маблағлари миқдорини оширишда **2 усул ишлатилиши** мумкин: қўшимча акциялар чиқариш ва уларни жойлаштириш ёки чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ошириш мумкин.

1.2. Тижорат банк капиталининг таркибий тузилиши ва меъёрлари.

Банк ўз капитали тушунчасини кенг очиб бериш учун шуни айтиб ўтиш керакки, банк назариясида банк ўз маблағи ва ўз капитали тушунчалари фарқ қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган "**Ўз маблағи**" тушунчаси - кенг маъноли, у ўз ичига банкнинг ички фаолияти жараёнида ташкил топган ҳамма пасивларни (банкнинг устав, резерв ва бошқа фондлари, банк ташкил қилгандаги ҳамма резервларни, тақсимланмаган фойда ва жорий йил фойдасини) олади. Банкнинг ўз капитали - бу ҳисоб - китоб йўли билан аниқланадиган катталиқ. У иқтисодий маъносига кўра банк капитали функцияларини бажарадиган ўзлик маблағларни ичига олади.

Банкнинг ўз капитали - банк вақтинча жалб қилган қарз маблағларидан фарқли ўлароқ, бевосита банкнинг ўзига тегишли бўлган маблағлардир.

Банк капиталининг бошқа корхоналар капиталидан фарқи шундаки, банкнинг ўз капитали айланма маблағларининг 10 фоизини, корхоналарда эса у тахминан 40 - 50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилади.

Банк капиталига банкнинг ўз маблағларининг асосий элементлари киради, яъни қонунчиликка мувофиқ ташкил топган асосий фондлар, банк фаолиятини таъминлаш мақсадида ички манбалар ҳисобига ташкил топган резервлар киради. Улар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- банк фаолиятининг барқарорлиги;
- кредитор ҳуқуқлари бўйича субординацияланганлик;
- қайд қилиб ёзилган даромадларнинг йўқлиги.

Банкнинг ўз капитали деганда, банкнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга қаратилган махсус ташкил қилинадиган фонд ва резервларни тушунишимиз керак. Банк капиталига устав капитали, резерв капитали, таъсис фойдаси, банк ихтиёрида қолдирилган ўтган ва жорий йилда тақсимланмаган фойдаси, турли рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар киради ва у банк фаолиятида муҳим функцияларни бажаради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, банк капитали I ва II даражали капиталдан иборат бўлиб:

I даражали капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар;
- б) нокумулятив имтиёзли акциялар. Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивидендлар тўланмаслиги мумкин;
- в) қўшимча капитал - оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;
- г) тақсимланмаган фойда:

1. капитал захиралар;
2. аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
3. жорий йил зарарлари.

д) акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисоб варақаларида ўсиши. Бу улуш шубҳа корхоналари ҳисобварақалари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

II даражали капитал қуйидагилардан иборат:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) рискни ҳисобга олган ҳолда активлар суммасининг 125 фоизи ва ҳисоб - китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдоридаги умумий захиралар. Нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивидендлар тўланмаслиги мумкин;

в) ҳисоб - китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар;

г) субординар қарз бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб - китоблардан сўнг I даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охириги 5 йил давомида йилига 30 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарзлар гаров таъминотига эга бўлмаслиги, банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозитлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши, бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши лозим.

Резерв капитали - банкнинг умумий ва махсус мақсадлари учун

(масалан, девальвация учун захира, траст операциялари буйича бизнес учун захира, кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги зарарлар учун захира ва бошқа мақсадлар учун) яратган захирасининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу захира банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига ташкил этилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг соф фойда ҳисобига шаклланган захиралардир.

Махсус захиралар - "Стандарт", "Субстандарт", "Шубҳали" ва "Умидсиз" деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар буйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун захира ташкил қилинади.

Тақсимланмаган фойда. Бу ҳисобварағи банкнинг бутун фаолияти давомида олган фойдасининг тақсимланмаган қисми ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Ўз ичига қуйидаги ҳисобрақамларни олади: йиллик, соф фойда; бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳоланганда қўшимча қиймат.

Банк капиталининг учта асосий функцияларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Булар: ҳимоя, оперативлик ва тартибга солиш функцияларидир.

Банк омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилиш банкнинг ўз капиталининг асосий функцияси бўлиб хизмат қилади. Чунки банк активларининг асосий қисми омонатчилар ҳисобига ташкил топади. Бундан ташқари банк капитали акционерлар рискларини камайтиради.

Ҳимоя функцияси зарар кўриш хавфи туғилганда актив резервлар шакллантириш йўли орқали банкнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, мабодо банк тугатилганда омонатчиларга компенсация тўлаш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг кейинги фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб беради. Лекин шуни эътиборга олишимиз керакки, тижорат банклари кўпгина корхоналардан фарқли ўлароқ ўзларининг тўловга қобилиятлигини жорий банк даромади ҳисобига таъминлайдилар ва фақатгина зарарнинг бир қисми капитал ҳисобига қопланади.


Капитал ўзига хос ҳимоя ёстиғи ролини ўйнаб, йирик кўзда тутилмаган харажатлар шароитида банк ўз операцияларини давом эттириш

имкониятини беради.

Банкнинг ўз капитали тартибга солувчи функцияни ҳам бажаради. Банк капитали кўрсаткичи ёрдамида давлат органлари банк фаолиятига баҳо берадилар ва назорат қиладилар. Одатда, банк ўз капиталига унинг минимал миқдори, активлар меъёри ва бошқа банк активини сотиб олиш шартлари бўйича талаб қўйилади.

Халқаро Базель қўмитасининг стандартларига асосан, банкнинг жами капитали асосий ва қўшимча капиталга ажратилади. Ушбу стандартлар биринчи марта 1988 йилда ишлаб чиқилиб, амалиётга 1993 йилдан бошлаб жорий этилди.

Кўп йиллар давомида йиғилган халқаро банк тажрибасидан маълум бўлишича, тижорат банкларининг капитали барқарор манбалар ҳисобидан ташкил топиши керак. Чунки, тижорат банкларининг капитали кутилмаганда вужудга келадиган зарарларни қоплаш орқали юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий инқироздан чиқариб олиш имкониятига эга. Шу билан бирга, аҳолининг мамлакатдаги банк тизимига бўлган ишончини сақлаб туриш ва уни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаяди.



1.2.1-расм. Ўзбекистонда тижорат банклари жами капиталининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)¹³

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари

¹³ У.Қўқонбоев “Ўзбекистонда банк капитали самарадорлигини ошириш йўналишлари”// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №2/2013 й. 77-бет

жами капитали кейинги йилларда юқори суръатларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, тижорат банклари умумий капитали 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 24,3 фоизга, 2008 йилга нисбатан эса деярли 3 баробар ошиб, 6,2 трлн. сўмга етди бу эса, банк назорати бўйича Халқаро Базель қўмитаси талабининг энг кам даражасидан қарийб (8 %) 3 баробарга кўп, демакдир.

Республикамизда тижорат банклари капиталлашувининг бундай ошиб боришида, энг аввало, уларнинг устав капитали минимал миқдори талабининг босқичма-босқич ошириб борилаётганлиги сабаб бўлаяпти. Бу борада банкларнинг капиталлашув даражасини оширишда Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касбэтмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, банклар устав капиталининг минимал миқдорини халқаро Базель тамойилларига мослаштириш ва босқичма-босқич ошириб бориш мақсадида 2011 йил 1 январдан бошлаб янгидан ташкил этилаётган банкларнинг устав капиталининг энг кам миқдорини тижорат банклари учун 10 млн. евро эквивалентига, хусусий банклар учун 5 млн. евро эквивалентига етказиш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига асосан, тижорат банклари қўшимча акцияларини чиқариш орқали хусусий капитал ҳажмини 2015 йилгача 2,1 баробарга ошириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз шуъба банкини очиш ёки бу ердаги банк устав капиталида иштирок қилиш истагини билдирган норезидент банк устав капитали 30 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг

суммадан кам бўлмаслиги керак.¹⁴

Тижорат банклари учун иктисодий меъёрларнинг ўрнатилиши – бу аввало Марказий банк томонидан самарали банк назоратини олиб боришга эришиш, тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва барқарор банк тизимини яратишда муҳим воситадир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари фаолиятини тартибга солишни халқаро андозларига мос равишда такомиллаштириш ҳамда тижорат банкларининг молиявий ҳолатига реал баҳо беришни 1997 йил 22 августда тасдиқланган 10 – сонли «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари» асосида олиб боради. Бу қоидаларга кўра республика тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг қуйидаги меъёрлари тасдиқланган ва улар барча банклар томонидан бажарилиши лозим:

1. Янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган банкларнинг энг кам устав фонди миқдорини ўрнатиш
2. Капиталнинг етарлилик коэффициенти
3. Банк капитали билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичлари
4. Банк баланси ликвидлиги кўрсаткичи
5. Бир қарз олувчига тўғри келадиган хатарнинг энг катта ҳажми
6. Барча катта кредитларга тўғри келадиган хатарнинг энг юқори ҳажми
7. Бир омонатчига тўғри келадиган хатарнинг энг катта миқдори
8. Қимматли қоғозлар бўйича операцияларда ўз маблағларидан фойдаланиш кўрсаткичи
9. Дахлдор шахслар билан иш олиб бориш

Тижорат банкларида капиталнинг етарлилик коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$M_1 = \frac{K}{A_x}$$

¹⁴ Ўзбекистон банк тизимини: ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами: Т. Ўзбекистон 2000 й. 245 бет.

бунда K – банк капитали; A_x – хатарни ҳисобга олиб чамаланган банк активлари

Банк капитали асосий икки қисмдан – асосий ва қўшимча капиталдан иборат. Бунда асосий капитални умумий капиталдаги салмоги 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Банк капитали ўзининг хатар даражасига кўра бўлинади:

1. Хатардан холи бўлган активлар
2. Минимал хатарли активлар
3. Юқори хатарли активлар
4. Максимал хатарга эга бўлган активлар

Мазкур коэффицентнинг минимал миқдори 0,08 га тенг бўлиши керак.

Банк капитали билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$M_2 = \frac{K}{M}$$

Бунда M – банк мажбуриятлари. Бу кўрсаткич банк мажбуриятларини ўз капитали билан таъминланганлигини кўрсатади ва унинг энг юқори миқдори 0,05 га тенг.

Тижорат банклари учун қуйидаги ликвидлик коэффицентлари белгиланган (банк ликвидлиги деб ўз активларини нақд пул сифатида ишлатиш ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда тезда пул маблағларига айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларини қоплай олиш қобилиятига айтилади):

а) Лаҳзали ликвидлик коэффиценти ва у қуйидаги нисбат бўйича аниқланади:

$$M_3 = \frac{ЛА}{БМ}$$

Бунда: ЛА – банкнинг пул шаклидаги активлари

БМ – банкнинг муддатсиз депозит ҳисоб варақларига доир мажбуриятлари

Бу меъёр банкнинг омонатчилари олдидаги мажбуриятларини шу

лаҳзада бажара олиш қобилиятини англатади ва уни Марказий банк томонидан кунлик баланс асосида тезкор тарзда назорат қилиб борилади. Бу коэффицентнинг минимал миқдори 0,25 дан кам бўлмаслиги керак.

б) Жорий ликвидлик коэффиценти ликвид шаклдаги банк активларининг талаб қилиб олингунга қадар бўлган ҳисоб варақлари буйича ва муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар нисбати сифатида аниқланади:

$$M_4 = \frac{ЛА (1)}{БМ (1)}$$

Бунда: ЛА (1) – қайтариш муддати 30 кунгача муддатда берилган банкнинг ликвид активлари ва кредитлар

БМ (1) – қайтариш муддати 30 кунгача бўлган йўқлаб олингунгача турадиган мажбуриятлари

Бу коэффицентнинг минимал миқдори 0,3 га тенг

в) Киска муддатли ликвидлик коэффиценти банкнинг қайтариш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган депозитлар, олинган кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятларига нисбати тарзда аниқланади.

$$M_5 = \frac{А}{Д + К}$$

Бунда А – 30 кундан 1 йилгача бўлган банк активлари

Д – муддати 30 кундан бир йилгача бўлган жалб қилинган депозитлар ва жалб қилинган ресурслар

Бу кўрсаткичнинг ҳажми 1 – га тенг бўлиши керак.

Бир қарз олувчига тўғри келадиган хатарни энг катта ҳажми қуйидагича аниқланади.

$$M_6 = \frac{ЙК}{К}$$

Бунда ЙК – банк хатарининг бир қарз олувчига тўғри келадиган сўммаси қўшилган депозитлардан ташқари 75 фоиз баланسدан ташқари мажбуриятлар. Бу давлат кафолатланган кредитларига тегишли эмас.

Бу меъёрнинг юқори чегараси 0,25 га тенг.

Барча катта кредитларга тўғри келадиган хатарнинг энг юқори ҳажми

қуйидагича аниқланади:

$$M_7 = \frac{ЖЙКС}{К}$$

Бунда: ЖЙКС – жами йирик кредитлар сўммаси

Умуман бир қарз олувчига берилган кредитлар қўшилган шу қарз олувчига нисбатан берган, банк капиталидан 15 фоиз ортиқ бўлган балансдан ташқари мажбуриятлар сўммасининг 75 фоиз жамланган қарз катта кредит ҳисобланади. Банк учун катта кредит тоифага кирадиган ва бир қарз олувчига бериладиган кредитлар сўммасини шу қарз олувчининг ўз маблағлари сўммасидан оширмаслик тавсия этилади.

Бу меъёр банк капиталининг 5 баробаридан ошмаслиги керак.

Бир омонатчига (кредиторга) тўғри келадиган хатарнинг энг юқори меъёри олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори миқдори ва битта депозиторнинг депозит ҳисоб варағидаги қолдиқ қийматини банкнинг ўз маблағлари миқдорига нисбати билан аниқланади.

$$M_8 = \frac{О}{К}$$

Бунда О – олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори миқдори ва битта омонатчининг ҳисоб рақамидаги, жорий рақамидаги ва қимматли қоғозлар бўйича операциялар қолдиқлари.

Ушбу меъёр учун ўрнатилган энг юқори миқдор 1999 йилнинг 1 январидан 2000 йилни 1 январигача – 0,50. Демак бу ҳар йилга алоҳида белгиланади.

Қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларда ўз маблағидан фойдаланиш кўрсаткичи банкнинг олди – сотти учун ҳарид қилган нодавлат қимматли қоғозлари миқдорини ўз маблағларига нисбати билан белгиланади.

$$M_9 = \frac{КК}{АК}$$

Бунда: КК – олди – сотти мақсадида қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган банкнинг ўз маблағлари

АК – акционер капитали

Банкнинг бошқа банклар, корхоналар, ташкилотлар устав фондига қўйадиган жами инвестиция сўммаси миқдорининг улуши банк капиталининг 20 фоизидан, Устав фондининг 10 фоизидан оширмаслик тавсия этилади.

Мазкур меъёр учун белгиланган миқдор 0,5 га тенг

Банкнинг асосий акциядорлари, унинг раҳбарлари, ходимлари ва улар билан боғлиқ шахслар банк хизматларидан имтиёзли асосда фойдаланмасликлари ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари талабларидан келиб чиқиб дахлдор шахслар кўрсаткичи мавжуд.

Кенгрок маънода шундай шахсларга киритилади:

- банк кенгаши, банк бошқаруви, тафтиш комиссияси таркибига кирган барча шахслар, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари
- банк устав фондининг 10 фоизидан кўпроқ қисмига эга бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар, шу юридик шахсларнинг ҳар қандай раҳбарлари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари
- қонунга кўра банк фаолиятини назорат қилувчи юридик шахслар ва уларнинг бошқарувчилари

Уларга имтиёзли шароит яратмаслик керак деганда:

- бошқа миждозлардан талаб қилинадиганидан кам ҳажмда фоизлар, бадаллар, бошқа туловларни ундириш ёки таъминотни кам кабул қилиш
- кредитни қайтариш муддатини етарли асосларсиз ўзгартириш
- ўз табиатига, мақсадига ва йул қўйиладиган хатарга кўра банк дахлдор бўлмаган миждозлар билан тўзмайдиган битимларни тўзиш.

Тижорат банклари томонидан уларнинг фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида дахлдор шахсларга кредит бериш тақиқланади.

$$M_{10} = \frac{КСх \cdot 100}{АК}$$

Бунда: КС – битта дахлдор шахсга берилган кредит миқдори. Бу кўрсаткич банк капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

Банк барча дахлдор шахсларга берадиган кредитларнинг умумий

сўммаси банк устав фондининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

$$M_{11} = \frac{ЖКМ}{АК}$$

Бунда: ЖКМ – дахлдор шахсларга берилган жами кредитлар миқдори.

Юқорида келтирилган иқтисодий меъёрларга амал қилмаган банкларга Марказий банк тегишли қонун хужжатлари асосида зарур жазо чораларини қўллайди.

II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ОАТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” КАПИТАЛ РЕСУРСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

2.1. ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" капитал ресурслари шаклланиши ва унинг фаолияти таҳлили

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли кўплаб мамлакатларнинг тижорат банкларида банк капиталлари билан боғлиқ жиддий муаммолар юзага келди. Ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиши натижасида тижорат банклари капиталларида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Ана шундай бир пайтда мамлакатимизда янги иш жойлари очиш, меҳнатни рағбатлантириш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 30 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида ОАТБ«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки устав капиталини 150 млрд. сўм миқдорида шакллантирилди ва унинг таркибий тузилмаси қуйидагича белгиланди(2.1.1-расм).




2.1.1-расм. ОАТБ«Қишлоқ қурилиш банк»нинг таркибий тузилиши¹⁵

Ҳозирги кунда ОАТБ«Қишлоқ қурилиш банк» устав капиталини 278,0 млрд. сўм миқдорида шаклланган бўлиб, унинг тассисчилари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Тараққиёт ва тикланиш Жамғармаси, «Ўздонмахсулот» АК, Ўзбекистон темир йўллари ДАТЙК, «Ўзбекинвест» ЭИСМК, «Ўзагросуғурта» ДАСК, «Ўзвиносаноатхолдинг» Компанияси ва бошқалар ҳисобланади. Уларнинг банк устав капиталидаги улуши 2.1.2-расмда келтирилган. Банк устав капиталининг асосий 58,4 фоизини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маблағлари ташкил этиди.

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 2013 йил давомидаги фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари ижросини таъминлашга, давлатимиз раҳбарининг банк тизимини янада ислох қилиш, барқарорлигини ошириш ҳамда юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишга қаратилган фармон ва қарорлари, Мамлакатда демократик ўзгаришларни

¹⁵ www.QQB.uz Annual Report 2011.pdf

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси шунингдек, 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича устувор йўналишлар тўғрисида"ги ПҚ-1438-сонли қарорида белгиланган талабларининг амалдаги ижросини бажаришга қаратилган.



2.1.2-расм. Қишлоқ қурилиш банк устав капиталининг таркиби 2012 йилдаги маълумот¹⁶

Хусусан, банклар олдига қўйилаётган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан иқтисодиётда эришилган ютуқлар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, жаҳон бозоридаги реал ва юзага келиши прогнозлаштирилаётган вазиятдан келиб чиққан ҳолда ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" бўйича 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси" ишлаб чиқилиб, унда белгиланган топшириқлар ижроси босқичма-босқич таъминланди.

Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларида банк молиявий ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда барча асосий кўрсаткичларнинг

¹⁶ www.QQB.uz Annual Report 2012.pdf

прогнозлар доирасида бажарилиши бўйича амалий чоралар кўрилди. Банкнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, банк капитали йил бошига нисбатан 104,7 млрд. сўмга ёки 47,1 фоизга ошиб, 2013 йил ҳолатига 327,2 млрд. сўмни ташкил этди. Банкнинг шаклланган устав капитали 278,0 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, унинг соф активлари 2474,1 млрд. сўмга етказилди ва капиталнинг етарлилик даражаси 22,6 фоизни ташкил этди(2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

2012 йил 31 декабр ҳолатига кўра баланс ҳисоботи (минг сўм)¹⁷

№		2010	2011	2012	2013
АКТИВЛАР минг сўм					
1	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	159 793 147	185 631 034	122 126 932	126258219
2	Бошқа банклардаги маблағлар	37 232 816	101 204 554	75 879 406	72658941
3	Мижозларга берилган ссудалар	474 038 699	869 838 870	1 313 849 940	1314244588
4	Сотиш учун мўлжалланган қимматли коғозлар	217 505	596 045	661 956	845658
5	Турар-жой объектларининг қурилиш қиймати	302 611 228	499 546 092	955 222 049	816 235 568
6	Қурилиш компаниялари ва бошқа мол етказувчиларга олдиндан тўловлар	13 923 086	4 407 905	80 137 682	75254634
7	Асосий воситалар	29 341 121	33 525 008	36 771 763	35234512
8	Номоддий активлар	389 405	398 930	363 557	289456
9	Банкнинг бошқа хусуси мулклар	708 389	670 952	633 989	458 635
10	Муддати узайтирилган соликлар	1 432 888	2 236 365	3 567 870	4125896
11	Бошқа активлар	7 149 643	3 422 988	6 978 502	8546354
	ЖАМИ АКТИВЛАР	1 026 837 927	1 701 478 743	2 596 193 646	2474152461
МАЖБУРИЯТЛАР ВА АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИ					
	МАЖБУРИЯТЛАР:				
1	Бошқа банкларнинг маблағлари	26 154 056	48 277 698	72 792 054	65421462
2	Мижозлар маблағлари	426 276 794	565 182 192	737 787 368	715162454
3	Ҳукумат, давлат ва молия ташкилотларининг қарз маблағлари	171 857 233	514 334 499	944 701 577	824215445
4	Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар	182 898 775	3 282 119	-	-
5	Уй-жой қурилиш учун жисмоний шахслар томонидан олдиндан тўланган маблағлар	42 260 810	331 329 138	548 191 505	452658124
6	Қурилиш компаниялари олдидаги кредиторлик қарздорликлар	2 104 535	38 198 778	69 342 918	75546254
7	Уй-жой қурилиши бўйича заҳиралар	-	-	8 071 434	11452354
8	Бошқа мажбуриятлар	3 192 932	7 380 542	7 018 012	6042532
	ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	854 745 135	1 507 984 966	2 387 904 868	2146927841
КАПИТАЛ					
1	Устав капитали	155 648 631	176 746 002	186 761 458	278524652
2	Заҳира капитали	-	-	8 922 753	12658445
3	Таксимланмаган фойда	16 444 161	16 747 775	12 604 567	36041523
	ЖАМИ КАПИТАЛ	172 092 792	193 493 777	208 288 778	327224620
	ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА	1 026 837 927	1 701 478 743	2 596 193 646	2474152461

¹⁷ ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" расмий сайти www.qqb.uz маълумотлари асосида тузилди

	КАПИТАЛ			
--	---------	--	--	--

2013 йил давомида банк томонидан жами 1237,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада, банкнинг кредит қуйилмалари 2013 йил ҳолатига 2142,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 724,3 млрд. сўмга ёки 51,1 фоизга ошди. Ўтган йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобидан жами 15694 та янги иш ўринлари яратилди.

2013 йилда жами кредит қуйилманинг 95,6 фоизи ёки 2048,7 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлар ва 93,8 млрд. сўми ёки 4,4 фоизи қисқа муддатли кредитлар ташкил этмоқда.

Бугунги кунда, банкнинг 42 та филиаллари ва 237 дан ортиқ шаҳобчалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали 404 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахслар мақомидаги миқдорларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ПҚ-1438-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳисобот даврида қатъий депозит сиёсати юритилди. Мазкур йўналишда олиб борилган тадбирлар натижасида, банк томонидан жалб қилинган депозитлар миқдори 2013 йилда 512,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич йил бошига нисбатан 44,8 фоизга ўсиши таъминланди.

Банкнинг миллий ва халқаро рейтинг кўрсаткичларини янада ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳамда молия хизматлари бозорида тутган мавқеи ва фаолиятида қўлга киритилаётган ижобий натижалар инобатга олинаиб, 2013 йилнинг декабр ойида "Мудис Инвесторс Сервис" халқаро рейтинг компанияси томонидан банкнинг миллий валютадаги депозитларининг узоқ муддатли рейтингини В2 даражадан В1 даражага кўтарди.

Шунингдек, хорижий валютадаги банк депозитларининг узоқ муддатли рейтингини В2, молиявий барқарорлик кўрсаткичини Е+ даражада қайта тасдиқлади.

2013 йилда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йил шу даврига нисбатан 82,9 млрд. сўмга ортиб, 2013 йилда 321,7 млрд. сўмни ташкил этди

Банк филиаллари томонидан 2013 йил давомида аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 82,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йил шу даврга нисбатан 1,4 баробарга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тоғрисида"ги ПҚ-1047-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика аҳолисини озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат махсулотлари билан тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жихозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларни ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадларига банк томонидан қарийиб 55,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,9 млрд. сўмга ёки 1,5 баробарга кўпдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1050-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк мижозлари томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан бойитиш, тайёр ноозиқ-

овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш мақсадида банк томонидан ажратилган кредитлар жами 72,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йил шу даврга нисбатан 22,5 млрд.сўм ёки 1,4 баробарга ортди.

Ҳисобот даврида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1051-сонли қарори асосида ташкил этилган, банк томонидан молиялаштирилган намунавий уй-жойларни қурилишида иштирок этаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига 11,4 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 февралдаги "Обод турмуш йили" Давлат дастури талаблари асосида аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадлари ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш мақсадида 2013 йил давомида 150,3 млрд. сўм инвестиция маблағлари ажратилиб, улар ҳисобига 1110 та янги иш ўринлари ташкил этилди¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-308-сонли ва 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-842-сонли қарорига мувофиқ аҳолининг кам таъминланган қатламини бандлигини таъминлаш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳисобот даврида 4,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар

¹⁸ www.qqb.uz/OAV_uchun.mht

ажратилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 580 та касб-хунар коллежлари битирувчиларига қарийиб 9,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

2013 йил давомида 621 та ёш оилаларга 48,2 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий кўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган 915 та хўжалик субъектларига 38,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига, 603 та оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначиликка 14,6 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, Обод турмуш йили Давлат дастурининг 7-йўналиши ижроси юзасидан тадбиркор аёлларни кўллаб-қувватлаш, улар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, иқтидорли ёш қизлар ўртасида кўрик танлов ва конкурслар ўтказилишини молиявий кўмаклашиш мақсадида банк томонидан Республика хотин-қизлар қомитасига 5,0 млн.сўм миқдорида хомийлик ёрдами кўрсатилди.

Банк инвеститсион фаоллигини ошириш борасида 2013 йилда банк томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, шу билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларни барпо этиш билан боғлиқ фаол тадбирлар олиб борилди.

Банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадларига 150,3 млрд. сўмдан ортиқ инвеститсия кредитлари ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,7 млрд. сўмга ёки 1,35 баробарга ортди. Шу

жумладан, 2013 йил мобайнида ажратилган инвестиция кредитлари ҳисобига 1110 тадан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилишига эришилди.

2013 йил давомида иқтисодийнинг барча устувор тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг кўплаб инвестиция лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, саноат соҳасининг 34,6 млрд. сўмлик, қишлоқ хўжалигининг 16,2 млрд. сўмлик, транспорт ва коммуникатсия соҳасининг 35,3 млрд. сўмлик, қурилиш соҳасининг 21,6 млрд. сўмлик, моддий-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг 25,2 млрд. сўмлик ҳамда бошқа секторларда фаолият юритувчи субъектларининг 17,4 млрд. сўмлик лойиҳаларига инвестиция кредитлари ажратилди.

Тасдиқланган ҳудудий ва тармоқ дастурлари бўйича банк томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган дастурлар доирасида ҳам фаол иш ташкил қилинган бўлиб, жумладан:

1. "2013-2015 йилларда Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури" доирасида 2013 йил давомида жами 3675 та янги иш ўринларини яратилишини назарда тутувчи 234 та лойиҳага 20897,0 минг АҚШ доллари эквивалентида кредитлар ажратилиши таъминланди.

2. "Кам қувватли, бўш турган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда қувватларини ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш Дастури" доирасида 2013 йил 31 декабр ҳолатига жами 163 та лойиҳага 39 174,9 млн. Сўм миқдорида кредитлар ажратилиши таъминланди.


3. "Республика ҳудудларида 2013-2014 йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш Дастури" доирасида 2013 йилнинг 31 декабр ҳолатига жами 23 та лойиҳага 3423,3 млн. Сўм миқдорида кредитлар ажратилиши таъминланди.

4. Қолипли нон ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ҳамда қолипли нон ишлаб чиқарувчи корхоналардаги мавжуд қувватларни модернизация қилиш бўйича 2012-2013 йилларга мўлжалланган дастури доирасида 2013 йилнинг 31 декабр ҳолатига жами 10 та лойиҳага 1 501,9 млн.

Сўм миқдорида кредитлар ажратилиши таъминланди.

Уй - жой қурилишини ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2009 йилдан буён республикада қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бошланган ва бугунги кунда ҳам қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан республикада қишлоқ туманларида уй-жойлар қурилиши учун ажратилган массивларида 2009-2012 йиллар давомида умумий қиймати 1962,1 млрд сўм миқдоридаги **23557** та уй-жойлар қурилиши учун аҳолининг 779,3 млрд. сўмдан зиёд маблағлари ҳамда марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан 1182,8 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди(2.1.3-расм).



2.1.3-расм. ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар сони¹⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 11 январдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш" лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида кўп траншли молиялаштириш Дастури бўйича амалга ошириладиган устувор чоралар тўғрисидаги 1683-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Осиё тараққиёт банкнинг

¹⁹ ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ҳисобот маълумотлари асосида тузилди

"Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялаштириш лойиҳаси кредит линияси доирасида 179,6 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг миллий валютада 342,4 млрд сўм миқдорида маблағлар жалб қилиниб тўлиқ уй жойлар қурилишини молиялаштириш учун ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, 2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича "тайёр ҳолда топшириш" назарда тутилган яқка тартибдаги уй-жойлар сонини иштирок этувчи тижорат банклари ўртасида тақсимлаш белгилаб берилиб, унга асосан қишлоқ жойларда қуриладиган 10 000 та уй-жойларнинг 8182 таси ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк", 1198 таси ТИФ "Миллий банк" ва 620 таси АТИБ "Ипотека-банк" иштирокида молиялаштириши кўзда тутилди. 2013 йилнинг 31 декабр ҳолатига, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" иштирокида молиялаштирилиши белгиланган жами 8 182 та уй-жойларга 476,2 млрд. сўм миқдорида аҳоли маблағлари, 617,3 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Юқоридаги маълумотлар, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" капитал ресурсларини ошириш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширда фаол кредит сиёсатини юритаётганлигидан далолат беради.

2.2. ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Хива филиали капитал маблағларининг таркиби тузилиш ва унинг ҳолати.

Банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар банклар барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ликвидлигини ва капиталлашув даражасини ошириш ҳамда инвестицион фаоллигини кучайтириш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишини таъминлаш, молия-банк тизими қонунчилик базасини такомиллаштириш ва банклар фаолиятини янада эркинлаштиришга қаратилгандир.


Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар охириги ун йил мобайнида

банклар жами капиталини 9 баробардан зиёдга, охириги уч йилда 2 баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. 2012 йилда эса банк тизими умумий капитали хажми 24,3 фоизга ошди²⁰.

Натижада банк тизими фаолиятининг барқарорлик кўрсаткичлари халқаро стандартлар талаблари асосида белгиланган меъёрлар бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этмоқда.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида юридик ва жисмоний шахсларга курсатилаётган ва амалга оширилаётган банк операцияларининг аксарият қисми тижорат банкларининг минтақавий филиаллари зиммасига тўғри келади. ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг 14 та минтақавий ва 28 та туман филиаллари мавжуд бўлиб, улардан Хоразм вилояти Хива филиали 2009 йилда ташкил қилинган бўлиб, унинг таркибий тузилиши 2.2.1-расмда келтирилган. Унда ташкилий тузилиш жиҳатидан: бошқарувчи, унинг муовин, бўлим бошлиқлари, бўлимларда бош мутахассислар, етакчи мутахассислар, биринчи тоифали мутахассислар, иккинчи тоифали мутахассислар, мутахассислар, назоратчилар ва кассирлардан ташкил топган.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали ҳудудда бюджет ташкилотлари, касаба уюшмалари, савдо муассасалари, транспорт хизмат кўрсатувчи корхоналар, қишлоқ хўжалик, қурилиш, хусусий ҳамда кичик корхоналари ва бошқа турдаги жами 700та корхоналарга банк хизматларини кўрсатади(2.2.1-жадвал).



2.2.1-расм. ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали таркибий тузилиши²¹

²⁰ Ф.Муллажонов “Ўзбекистонда банк тизими: барқарор ривожланиш, халқаро мезонларга эришиш йўлида”

// Бозор, пул ва кредит. №1 2013

²¹ ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали Низоми

2.2.1-жадвал.

**ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали томонидан хизмат
кўрсатувчи корхоналар таркиби²²**

№	Муассасалар номи	Сони
1	Бюджет коржоналари	1
2	Профсоюз	3
3	Савдо	4
4	Транспорт	1
5	Қишлоқ хўжалик	1
6	Қурилиш	90
7	Хусусий ҳамда кичик корхоналар	125
8	Бошкалар	475
	Жами	700

АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиалининг активларини таҳлил қилиш учун 2.2.1-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатадики, банк активлари таркибида энг катта салмоқ жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўлиб, улар 2012 йил жами банк активларининг 78,81%ини , 2013 йилда 74,16 %ини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 2013 йил 3821019263 сўмга ошган.

Кейинги салмоқ хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитларга тўғри келиб, улар жами активларни 2012 йилда 11,8 %ини, 2013 йилда 10,68 %ини ташкил этган. 2012 йилга нисбатан 31,69 %изга, яъни 490689076 сўмга ўсган бўлсада, таркибий жиҳатдан 1,12 %изга камайган.

Кейинги салмоқ хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитларга тўғри келиб, улар жами активларни 2012 йилда 2,76 %ини, 2013 йилда 2,30 %ини ташкил этган. 2012 йилга нисбатан 21,52 %изга, яъни 77854243 сўмга ўсган бўлсада, таркибий жиҳатдан 0,4 %изга камайган.

²² ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали маълумоти

2.2.1.-жадвал

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хоразм вилояти Хива филиалининг активлари таҳлили (сўмда)²³

Банк счётлар рақамлари	Кўрсаткичлар	2012 йил	Умумий активдаги улуши (фоизда)	2013 йил	Умумий активдаги улуши (фоизда)	2013 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
						Сўм (+:-)	%
10 100	Кассадаги нақд пул а бошқа тўлов хужжат	192373758	1,47	203062582	1,6	10688824	105,56
12 600	Якка тартибдаги тадбирларга берилган қисқа муддатли кредитлар	100000000	0,76	183338500	0,96	83338500	183,34
13 100	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар	361826921	2,76	439681164	2,30	77854243	121,52
14 900	Жисмоний шахсларга берилган ўзоқ муддатли кредитлар	10339444289	78,81	14160463552	74,16	3821019263	136,96
15 001	Якка тартибдаги тадбиркорларга бертирилган ўзоқ муддатли кредитлар	76458837	0,58	163695097	0,86	87236260	214,10
15 500	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган ўзоқ муддатли кредитлар	1548216853	11,80	2038905929	10,68	490689076	131,69
16 100	Бош банк филиаллардан олинадиган маблағлар	67365365	0,51	1404695492	7,36	1337330127	2085,19
16 300	Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	18513981	0,14	47446630	0,25	28932649	256,27
16 400	Ҳисобланган фоизсиз даромадлар	467434	0,004	106704	0,001	-360730	22,83
16 500	Асосий воситалар	413984790	3,16	452232257	2,37	38247467	109,24
	Жами активлар	13118652228	100,0	19093627907	100,0	5974975679	145,6

²³ ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хоразм вилояти Хива туман филиали 2012 ва 2013 йил ҳисоботлари асосида тузилди

Кейинги салмоқ Якка тартибдаги тадбирларга берилган қисқа муддатли кредитларга тўғри келиб, 2012 йилда улар жами активнинг 0,76 фоизни, 2013 йилда 0,96 фоизни ташкил этадиб 2013 йилда 83,34 фоизга, яъни 83338500 сўмга ўсиб 439681164 сўмни ташкил этган.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиалининг мажбуриятларининг ҳолатини таҳлил қилиш учун 2.2.2-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатадики, жами банк мажбуриятлари 2012 йил 6836082939 сўмни 2013 йилда 19337564380 сўмни ташкил этган.

2.2.2.-жадвал

АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиалининг мажбуриятларининг ҳолатини таҳлили (сўмда)²⁴

Банк счётлар рақамла ри	Кўрсаткичлар	2012 йил	Жами нисбат и	2013 йил	Жами нисбат и	2013 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
						Сўм (+:-)	%
20 200	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	981224375	14,35	1627555491	8,42	646331116	165,9
20 400	Жамғарма депозитлари	428672	0,01	1046847	0,01	618175	244,2
20 600	Муддатли депозитлар	791303991	11,58	2259868655	11,69	1468564664	285,6
22 200	Бош банк филиалларга тўланадиган маблағлар	415596227 2	60,79	1418915784 0	73,38	1003319556 8	341,4
22 400	Туланиш лозим бўлган хисобланган фоизлар	57750654	0,84	38009417	0,20	-19741237	65,8
22 600	Мижозларнинг бошқа дипозитлари	793919566	11,61	1199062867	6,20	405143301	151,0
23 200	Клиринг трансакциялари	20176396	0,30	37 000	0,00	-20139396	0,2
23 400	Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушум	180000	0,00		0,00	-180000	0,0
23 500	Ҳисобланган солиқлар ва бошқа тўловлар	5890923	0,086	3805182	0,020	-2085741	64,6
29 800	Бошқа мажбуриятлар тўланиши лозим бўлган дивидент, банк ходимларига тўланадиган тулов ва бошқалар	29246090	0,43	19021081	0,10	-10225009	65,0
	Жами мажбуриятлар	683608293 9	100,00	1933756438 0	100,00	1250148144 1	282,9

Банк мажбуриятлари ўтган йилга нисбатан 182,9 фоизга ўсган. Банк

²⁴ ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали 2012 ва 2013 йил ҳисоботлари асосида тузилди

мажбуриятлари таркибида энг катта салмоқ талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларга тўғри келиб, жами мажбуриятларнинг 2012 йил 14,35 фоизини 2013 йилда эса 8,42 фоизини, яъни 1627555491сўмини ташкил этган. Банк мажбуриятлари таркибдаги кейинги салмоқ муддатли депозитларга тўғри келиб, улар жами мажбуриятларнинг 2012 йил 11,58 фоизини ташкил этиб, 2013 йилда ҳам 11,69 фоизини, яъни 2259868655 сўмини ташкил этган. Кейинги салмоқ мижозларнинг бошқа депозитларига тўғри келиб, улар жами мажбуриятларнинг 2012 йил 11,61 фоизини ташкил этиб, 2013 йилда 6,2 фоизини, яъни 1199062867 сўмини ташкил этган.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиалининг хусусий капиталининг ҳолатини таҳлил қилиш учун 2.2.3-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатадики, жами банк хусусий капитали 2012 йил 59412563 сўмини, 2013 йилда 59980410 сўмини ташкил этган.

2.2.3.-жадвал

АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали хусусий капиталининг ҳолатини таҳлили (сўмда)²⁵

Банк счёглар рақамлари	Кўрсаткичлар	2012 йил	Жами нисбат и	2013 йил	Жами нисбат и	2013 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
						Сўм (+:-)	%
30 300	Устав капитали	-		-			
30 900	Захира капитали	58962602	99,24	58962602	98,30	0	100
31 203	Тақсимланган фойда (актив-пассив)	337214	0,57	1017808	1,70	680594	301,8
31 206	Соф фойда (зарар) (актив-пассив)	112747	0,19	-	-		0
	Жами хусусий капитал	59412563	100,00	59980410	100,00	567847	100,9

Унинг таркибида устав капитали ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки”га карашли бўлганлиги сабабли Хива филиалида акс эттирилмаган. Банк мажбуриятлари ўтган йилга нисбатан хусусий капитали таркибида энг катта салмоқ захира капиталига тўғри келиб, жами хусусий капиталининг 2012 йил 99,24 фоизини 2013 йилда эса 98,3 фоизини, яъни 2012 йилда бу кўрсаткич

²⁵ ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиали 2012 ва 2013 йил ҳисоботлари асосида тузилди

58962602 сўмни, 2013 йилда 58962602сўмни ташкил этиб миқдоран ўзгаришсиз қолган.

Банкнинг хусусий капитали таркибида кейинги салмоқ тақсимланмаган фойдага тўғри келиб, улар жами хусусий капиталини 2012 йил 0,57 фоизини, 2013 йилда эса 1,7 фоизини яъни, 2012 йилда 337214 сўмни, 2013 йилда 1017808 сўмни ташкил этган. Кейинги салмоқ соф фойдага тўғри келади. Улар жами хусусий капиталнинг 2012 йил 0,19 фоизини ташкил этиб, уларнинг қиймати 2012 йил 112747 сўмни ташкил этиб, 2013 йилда эса соф фойдага эга бўлмаган. Бу ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиалини капитал ресурслари борасида мустақилликнинг чекланганлиги, банк капиталидан фойдаланишда юқори бўлимлар томонидан ажратилган капитал маблағларга боғлиқлигини келтириб чиқаради. Натижада банкнинг қўшимча капитал ресурслари аҳоли ёки корхона ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларини жалб этишгагина боғланиб қолади.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива туман филиалининг даромадларининг ҳолатини таҳлил қилиш учун 2.2.4-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Маълумотлар шуни кўрстадики, жами банк даромадлари 2012 йил 1161440566 сўмни, 2013 йилда 1282642924 сўмни ташкил этган. Банк даромадлари ўтган йилга 10,4 фоизга ошган.

Банк даромадлари таркибида энг катта салмоқ жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадларга тўғри келиб, улар жами даромадларнинг 2012 йилда 54,33 фоизини, яъни 631016896 сўмини, 2013 йилда эса 69,41 фоизи, яъни 890317999 сўмни ташкил этган. Кейинги салмоқда хусусий корхоналар, хўжалик шиткатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар даромадларга тўғри келиб, жами банк даромадларининг 2012 йил 15,6 фоизини 2013 йилда 21,9 фоизини, яъни 2012 йил бу 181241310 сўмни, 2013 йил 6,3 фоизга п.м.га ўсиб 280955458 сўмни

ташқил қилди.

2.2.4.-жадвал

АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хоразм вилояти Хива минтақавий филиалининг даромадларининг ҳолатини таҳлили (сўмда)²⁶

Банк с/р	Кўрсаткичлар	2012 йил	Жами нисбат и	2013 йил	Жами нисбат и	2013 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
						Сўм (+:-)	%
42 001	Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизлар даромадлар	14917956	1,28	17921843	1,40	3003887	120,1
42 601	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	83928507	7,23	58050821	4,53	-25877686	69,2
44 301	Жисмоний шахсларга берилган ўзоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	631016896	54,33	890317999	69,41	259301103	141,1
44 601	Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган ўзоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	181241310	15,60	280955458	21,90	99714148	155,0
45 200	Фоизсиз даромадлар	239652408	20,63	21140972	1,65	-218511436	8,8
44 100	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган ўзоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар	10683489	0,92	14255831	1,11	3572342	133,4
	Жами хусусий капитал	116144056 6	100,00	128264292 4	100,00	121202358	110,4

Банк даромадлари таркибида кейинги салмоқ фоизсиз даромадларга тўғри келиб, улар жами даромадларнинг 2012 йил 20,63 фоизини, 2013 йил 1,65 фоизигача пасайган, натижада 21140972 сўмни ташқил қилди. Кейинги салмоқ Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадларга тўғри келиб, улар жами даромадларнинг 2012 йилда 7,23 фоизни, яъни 83928507 сўмини, 2013 йилда 4,53 фоизигача пасайган, натижада 58050821 сўмни ташқил этган.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хива филиалининг харажатларининг ҳолатини таҳлил қилиш учун 2.2.5-жадвал маълумотларидан фойдаланиш

²⁶ ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хоразм вилояти Хива туман филиали 2012 ва 2013 йил ҳисоботлари асосида тузилди

мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатадики, жами банк харажатлари 2012 йил 1310489053 сўмни, 2013 йилда 1723942190 сўмни ташкил этган. Банк харажатлари ўтган йилга нисбатан 31,5 фоизга ўсган.

2.2.5.-жадвал

АТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хоразм вилояти Хива филиалининг харажатларининг ҳолатини таҳлили (сўмда)²⁷

Банк с/р	Кўрсаткичлар	2012 йил	Жами нисбати	2013 йил	Жами нисбати	2013 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши	
						Сўм (+:-)	%
50 106	Талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар	3861422	0,29	6116495	0,35	2255073	158,4
51 106	Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар	405521439	30,94	266330824	15,45	-139190615	65,7
54 100	Ўзоқ муддатли кредитлар барча фоизли харажатлар		-	244716	0,01	244716	
54 900	Бошқа фоизли харажатлар	273995791	20,91	406899684	23,60	132903893	148,5
55 100	Фоизсиз харажатлар (хизматлар ва воситачилик харажатлари)	78247531	5,97	140139899	8,13	61892368	179,1
56 100	Банк хизматларининг иш ҳақи ва улар учун қилинадиган бошқа харажатлар	330199095	25,20	513911282	29,81	183712187	155,6
56 200	Ижара ва таъминот харажатлари	90466863	6,90	218266399	12,66	127799536	241,3
56 400	Маъмурий ва харажатлар	25069951	1,91	24285715	1,41	-784236	96,9
56 600	Эскириш харажатлари	37467828	2,86	48697659	2,82	11229831	130,0
56 700	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	55630804	4,25	86449597	5,01	30818793	155,4
56 300	Хизмат сафари харажатлари	10028329	0,77	12599920	0,73	2571591	125,6
	Жами харажатлар	1310489053	100,00	1723942190	100,00	413453137	131,5

Банк харажатлари таркибида энг катта салмоқ Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатларга тўғри келиб, жами банк харажатларининг 2012 йил 30,94 фоизини, яъни 405521439 сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса 15,45 фоизини, яъни 2013 йилда бу 15,49 фоизга пасайиб, 266330824 сўмни ташкил этган.

Банк харажатлари таркибида салмоқ банк хизматчиларининг иш ҳақи

²⁷ ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки” Хоразм вилояти Хива туман филиали 2012 ва 2013 йил ҳисоботлари асосида тузилди

ва улар учун қилинган банк харажатларга тўғри келиб, жами банк харажатларининг 2012 йил 25,2 фоизини 2013 йилда эса 29,81 фоизини, яъни 2013 йилда бу 4,6 фоизга ўсиб, 513911282 сўмни ташкил этган.

Банк харажатлари таркибида кейинги салмоқ бошқа фоизли харажатларга тўғри келиб, улар жами харажатларнинг 2012 йил 20,91 фоизини, 2013 йилда эса 23,60 фоизини, яъни 406899684 сўмни ташкил этган.

Банк харажатлари таркибида кейинги салмоқ ижара ва таъминот харажатларига тўғри келиб, улар жами харажатларининг 2012 йилда 6,9 фоизини, 2013 йилда 12,66 фоизи, яъни 218266399 сўмни ташкил этган.

Юқоридаги умумий кўрсаткичлар ҳисобланиб, ўтган даврдаги бундай кўрсаткичлар миқдорлари билан таққосланиб, тегишли хулосалар чиқарилади. Таҳлил давомида умумий кўрсаткичлардан ташқари, устав капитали, фойда ва шу каби ўз маблағлари манбаи (капитал) кўпайиш ва самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни ўрганиб, уларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини белгилаш лозим.

III. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИ ОШИРИШ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари капитал етарлилигини тартибга солишда Базель II стандартининг асосий талаблари

Базель қўмитаси 1974 йилда Халқаро ҳисоб-китоблар Банки (Bank for International Settlements, BIS) қошида G10 ("Кучли ўнлик") давлатлари (Белгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Нидерландия, АҚШ, Франция, Швеция, Япония, Швейцария) марказий банклари президентлари томонидан ташкил этилган. Базель қўмитасининг асосий вазифаси, банк тизимини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича ягона стандартларни жорий қилишдан иборат. Шу мақсадда қўмита банк тизимини назорат қилувчи органлар учун тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқади.

Бу тавсияларни бажариш мажбурий эмас, лекин кўпгина давлатлар (айниқса, аъзо давлатлар) ушбу тавсияларни меъёрий ҳужжатларига киритиб қўйишган. Кўрсатма ва тавсиялар фақатгина аъзо давлатлар эмас, балки дунёнинг кўпгина давлатлари банк назорат органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Халқаро Базель стандартида тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантириш, унинг етарлилигини баҳолаш, банк активларини рискка тортиш, банк ликвидлилиги каби долзарб масалаларини тартибга солувчи меъёрий-услубий ишланмалар ўз ифодасини топган.

Халқаро Базель стандарти бўйича тижорат банкларининг асосий капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топиши лозим. Шу сабабли, Базель қўмитасининг талабига кўра асосий капиталнинг таркибига қуйидаги манбаларгина киритилиши лозим:

- устав капиталининг тўланган қисми;
- банкнинг эмиссион даромади;

- захира капитали;
- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
- банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум.

Халқаро Базель стандартида тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 8 % қилиб белгиланган. Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, ушбу минимал талаб 15 % даражасида бўлиши лозим. Базель-III стандартига кўра, тижорат банклари капиталининг ҳимоявий «консервация «буфери» жорий этилади ва у биринчи даражали капиталнинг 2,5 фоизи ҳажмида ташкил этиладиган қўшимча захирадан иборат бўлади. Натижада, биринчи даражали капиталга нисбатан белгиланган умумий талаб даражаси етти фоизни ташкил этади $10 (2,5 \% + 4,5 \%)^{28}$.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 10 % қилиб белгиланган. Халқаро ҳисоб-китоблар банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари капитали етарлилигининг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этиши лозим. Кўриниб турибдики, тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талаблар ўрнатиш борасида ҳам турли хил ёндашув мавжуд.

Халқаро Базель қўмитасининг қўшимча капитал таркибини шакллантириш тўғрисидаги талабларини республикамиз банк амалиётида қўллаш борасида муаммолар мавжуд эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари қўшимча капиталининг таркиби Базель стандартида кўзда тутилган қўшимча капитал таркибидан деярли фарқ қилмайди. Фақат республикамиз банкларининг қўшимча капитали таркибида Базель қўмитасининг стандартида кўзда тутилмаган жорий йил фойдаси мавжуд.

Базель стандарти бўйича икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари қўшимча капитал таркибига киритилган. Республикамизда Базель қўмитасининг ушбу талаби ўзгаришсиз

²⁸ <http://www.finansy.ru/eco/nao> сайти маълумотлари.

қабул қилинган. Аммо, Базель қўмитасининг қайта баҳолаш захирасини қўшимча капитал таркибига киритиш тўғрисидаги талаби республикамыз банк амалиётига тўлиқ қабул қилинмаган. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда тижорат банклари жойлашган ер майдонлари банкларнинг хусусий мулки ҳисобланмайди. Шу сабабли, фақатгина банкларнинг асосий воситалари қайта баҳоланади ва уларнинг қайта баҳолашдан кейинги баҳоси билан қайта баҳолашдан олдинги баҳоси ўртасидаги фарқ суммаси қайта баҳолаш захираси сифатида тижорат банкларининг қўшимча капитали таркибига киритилади.

Базель стандарти тижорат банклари қошида лизинг, траст, факторинг ва форфейтинг компаниялари ташкил этиш йўли билан қўшимча капиталнинг миқдорини ошириш имконини беради. Бунинг натижасида бир томондан, қўшимча капиталнинг миқдори кўпаяди, иккинчи томондан эса, банк томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳажми ошади. Шунини таъкидлаш жоизки, республикамыз Марказий банки томонидан Базель қўмитасининг қўшимча капиталнинг чегаравий миқдори бўйича белгилаган талаби ўзгаришсиз қабул қилинган. Ушбу талабга кўра, қўшимча капитал асосий капитал суммасининг 100 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Бизга маълумки, 2010 йилда республикамызда халқаро Базель стандартининг такомиллашган варианты ҳисобланган Базель-II принциплари ва талабларини жорий этиш кўзда тутилган. Базель-II нинг муҳим талабларидан бири - етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банклари ликвидлилигига ва капитал базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банклари харажатига киритилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражаси пасайишига олиб келади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150 % даражасида рискка тортилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари суммаси ошишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффиценти пасаяди. Учинчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг ўз муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари миқдори камайишига ва шунинг асосида унинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига олиб келади.

Муддати ўтган кредитлар риск даражасининг ошиши натижасида тижорат банклари капитал базаси ва уларнинг ликвидлилигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирга барҳам бериш учун Марказий банк томонидан тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларига нисбатан қўйиладиган талаблари аниқлаштирилиши ва кучайтирилиши лозим.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий даражасини беш фоиз даражасида белгилаши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиши лозим. Беш фоиз дейишимизнинг сабаби шундаки, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертлари тавсиясига кўра, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий даражаси беш фоизни ташкил қилиши лозим.

Базель-II стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган.

Биринчи усул базавий индикатор усули, иккинчи усул – стандарт усул, учинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффицентлари бир-биридан

сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикамиз тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши лозим. Фикримизча, айти пайтда капиталнинг етарлилигини ҳисоблашнинг кенгайтирилган усулини республикамиз банк амалиётида қўллаш учун шарт-шароит мавжуд эмас. Чунки, ушбу усул банкларнинг ўзлари ишлаб чиққан рейтинг баҳолаш натижаларига асосланади. Республикамиз банкларида эса, операцион рискни баҳолашнинг рейтинг усули мавжуд эмас.

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капитали таркиби²⁹(фоизда)

Регулятив капитал таркиби	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2008	2009	2010	2011	2012	
Устав капитали	24,9	28,1	34,7	43,4	45,2	20,3
Захира капитали	61,5	57,3	51,1	47,9	39,8	- 21,7
Жорий йил фойдаси	8,2	7,5	8,9	8,6	9,2	1,0
Тақсимланмаган фойда	5,3	6,1	5,2	6,5	5,8	0,3
Капиталнинг Бошқа элементлари	0,1	1,0	0,1	0,1	-	-
Регулятив капитал– жами	100,0	100,0	100,0	100	100	х

3.1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2008-2012 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари регулятив капитали таркибида устав капиталининг салмоғи юқори суръатларда ўсди. Бу эса, мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банки томонидан тижорат банклари устав капиталини ошириш сиёсати олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Биргина 2009

²⁹ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

йилнинг ўзида республикамизнинг йирик, тизимли тижорат банклари устав капиталига 500 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги сумма давлат бюджети маблағлари ҳисобидан йўналтирилди³⁰.

Ушбу қарорда мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳозирга қадар самарали инвестиция марказларига айланмаганлиги, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суи даражада қўллаб-қувватланаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Республикамиз тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишнинг муҳим меъёрий-ҳуқуқий асосларидан яна бири – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил июл ойидаги ПҚ-670-сонли “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳисобланади³¹. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари устав капитали миқдорини ошириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва эҳтимол тутилган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш долзарб масала эканлиги эътироф этилди. Бундан ташқари, тижорат банкларига ўз капитали ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиши ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш вазифалари юкланди.

2008-2012 йилларда захира капиталининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди ва ушбу тенденция тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан

³⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 35.

³¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. – Тошкент, 2007 й. - № 27-28, 284-модда.

иждобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз тижорат банклари захира капиталининг асосий қисми девальвация захирасидан иборат. Ўз навбатида, девальвация захираси тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг беқарор манбаи ҳисобланади.

3.1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида жорий йил фойдасининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи ўсиш суръатларига эга бўлганлиги кузатилди. Ушбу ҳолат фойдани капиталлаштириш жиҳатидан иждобий баҳоланади. Аммо, республикамиз тижорат банкларида жорий йил фойдасининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи паст.

2008-2012 йилларда тақсимланмаган фойданинг тижорат банклари регулятив капитали ҳажмидаги салмоғи пасайиш суръатларига эга бўлди.

Тақсимланмаган фойда банклар фойдасининг мутлақ эркин озод қолдиғи бўлганлиги сабабли, уни капиталлаштириш осон. Аммо тақсимланмаган фойданинг миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Унинг миқдорини олдиндан прогноз қилишнинг иложи йўқ.

3.1.2-жадвал

ОАТ “Қишлоқ қурилиш банк”и регулятив капиталининг таркиби ва динамикаси³²(фоизда)

Умумий капиталнинг таркиби	2010	2011	2012	2013	2013 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Устав капитали	90,4	91,3	89,7	85,0	-4,6
Захира капитали	-	-	4,3	6,1	6,1
Жорий йил фойдаси	-	-		3,9	3,9
Тақсимланмаган фойда	9,6	8,7	6,0	5,0	- 4,6
Умумий капитал-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	х

3.1.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари регулятив капиталининг ҳажмида қўшимча капиталнинг салмоғи жуда кичик. Бу эса, қўшимча капитал элементларини муомалага чиқариш

³² ОАТ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

амалиётининг такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Иқтисодий таҳлилни кучайтириш мақсадида республикамизнинг қатор йирик тижорат банклари регулятив капитали таркибини кўриб чиқамиз.

3.1.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010-2013 йилларда ОАТ “Қишлоқ қурилиш банк” умумий капитали ҳажмида устав капиталининг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банк капитали таркибининг барқарорлиги нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали умумий капиталнинг бошқа элементларига нисбатан барқарорлик даражаси юқори бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Аммо, 2013 йилда устав капиталининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи 2010 йилга нисбатан 4,6 фоизли пунктга пасайгани унинг миқдоран камайганини аңглатмайди.

2010-2013 йилларда ОАТ “Қишлоқ қурилиш банк” умумий капиталининг умумий ҳажмида захира капиталининг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, ижобий тенденция ҳисобланади. Чунки, Агробанк захира капитали сезиларли қисмини Имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари ташкил этади. Жумладан, 2012 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, ОАТ “Қишлоқ қурилиш банк” захира капиталининг ҳажмида Имтиёзли кредитлаш фонди маблағларининг салмоғи 27,5 фоизни ташкил қилди. Имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари банкларнинг фойдаси ҳисобидан ташкил этилади ва улар ҳисобидан берилган кредитлардан олинадиган фоизли даромадлар солиқдан озод қилинади.

2012 йилда ОАТ “Қишлоқ қурилиш банк” умумий капитали ҳажмида жорий йил фойдаси ва тақсимланмаган фойда салмоғи 2010 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Бу эса, фойданинг капиталлашиш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, банкларнинг субординациялашган қарз мажбуриятлари икки йил муддатга чиқарилган бўлиши зарур. Икки йилдан кам муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари тижорат банкларининг қўшимча капитали таркибига киритилмайди, балки, учинчи даражали

капитали таркибига киритилади. Аксарият мамлакатларда, хусусан, Ғарбий Европа мамлакатларида тижорат банкларининг учинчи даражали капиталини шакллантиришга банк назорати органлари томонидан рухсат этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаби ўн фоизни, асосий капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаби эса, беш фоизни ташкил этади.

3.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари умумий капиталининг етарлилиги³³

Банклар	Йиллар				
	2008	2009	2010	2011	2012
Ипотекабанк	0,34	0,21	0,25	0,28	0,24
Агробанк	0,15	0,14	0,13	0,12	0,11
Қишлоқ қурилиш банк	0,33	0,34	0,43	0,44	0,46

3.1.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизнинг йирик тижорат банклари бўлган Ипотекабанк, Агробанк ва Қишлоқ қурилиш банкида тижорат банклари умумий капиталининг етарлилиги бўйича белгиланган норматив талаби бажарилган. Шунингдек, ОАТ “Агробанк” 2008-2012 йилларда умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти пасайиш тенденциясига эга бўлган ва у нормативнинг минимал даражасига тушиб қолган. Бу эса, Агробанкнинг тўловга лаёқатлилик даражасининг ёмонлашаётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Ипотекабанкда ҳам 2010 йилда умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти 2008 йилга нисбатан пасайиш тенденциясига эга. Тадқиқот натижасида республикамиз тижорат банклари капитал базасини мустаҳкамлаш борасида қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- тижорат банклари қўшимча капиталининг етарли эмаслиги;
- тижорат банклари капитали таркибида беқарор молиялаштириш

³³ Мазкур тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

манбаи бўлган ресурслар салмоғининг нисбатан юқори эканлиги;

- тижорат банкларида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий кўрсаткичларга нисбатан юқори эканлиги;

- республикамиз тижорат банклари капитал базаси барқарорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар;

- тижорат банклари устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғини пасайиш тенденциясига эга эканлиги намоён бўлмоқда.

3.2. Тижорат банклари капиталини ошириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Тижорат банклари фаолиятининг турли жихатларига қизиқиш жаҳон миқёсида доимо ошиб бормоқда. Республикамиз тижорат банкларининг молиявий ресурсларини шакллантириши ва улардан нечоғли унумли фойдалана олиши ҳам мутахассислар диққат марказида турибди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари учун асосий муаммолардан бири банк капиталининг ликвидлиги ва даромадлилигининг энг макбул даражасини аниклашдир. Унга эришиш учун банк активларини самарали бошқариш катта аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари операцияларини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўз капиталини шакллантириш ва маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ пассив операциялар;

- фойда олиш мақсадида ўз маблағи ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш билан боғлиқ актив операциялар;

- комиссион-воситачилик ва ишонч операциялар.

Актив операциялар - банк томонидан фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали жойлаштиришдир.

Банклар ўзларининг актив операцияларини амалга ошириш чоғида

белгиланган ликвидлилик меъёрларига амал қилиши ва айрим турдаги активлар бўйича рискларнинг мақсадга мувофиқ тақсимланишини таъминлаши зарур бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар учун активларни бошқариш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Хар қандай банк молиявий бозорнинг юқори даражада ривожланиши билан иқтисодий барқарорлик шароитида ҳам маълум жиддий кийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келади.

Молиявий жихатдан активларни оширишнинг асосий мақсади куйидагилардан иборат:

- банк ликвидлигини ошириш;
- банк даромадини ошириш;
- рискларни камайтириш.

Бундан келиб чиққан ҳолда, банкнинг активлари уларнинг даромадлилиги, риск даражаси ва ликвидлигини эътиборга олган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Банк фаолиятининг ривожланишидан маълумки, банк активлари даромадлилиги ва ликвидлиги бир-бирига қарама-қарши кўрсаткичлардир. Ликвидлилик активлар ва пасивлар мувозанатланганлиги, банкнинг жойлаштирилган активлари ва жалб қилинган ресурслари муддатлари мувофиқлиги даражасига кўра белгиланади. Активларни қайтариш ва мажбурият ўртасидаги муддат номувофиқлигини ликвидлилик rischi асосий манбасидир.

Хар бир тижорат банки фаолиятида ресурслар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, банк ўзининг олдига қўйган ривожланиш стратегиясини амалга ошириши учун албатта ресурс базасини барқарорлаштириб боришни талаб этади. Шу боисдан ҳам, тижорат банклари ўзларининг ресурс базасини оптимал даражада ушлаб туришга интилиб келадилар.

Банк капиталларини оптималлаштириш деганда, нафақат уларнинг миқдори, балки капитални келтирадиган даромади, яъни самарадорлиги,

доимий мавжудлиги ва бошқа кўплаб омилларни тушунишимиз керак.

Тижорат банклари капиталларининг доимий равишда назорат қилиб борилиши уларнинг сифатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Хар бир тижорат банки, авваламбор ўз ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбатни доимий равишда эътиборга олиши керак. Бунда ўз ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбат 1:20 дан ошиб кетмаслиги банк ресурслари ўртасидаги нормал чегарани белгилаб туради. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, бу кўрсаткични бошқача қилиб ҳам айтишимиз мумкин, яъни рискка асосланган банкнинг ресурслари билан биринчи даражали капитал ўртасидаги нисбат 5 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биринчи даражали капитал рискли активларнинг 5 фоизидан кам булмаслиги лозим.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини белгиловчи банк капитали самарадорлигининг таҳлили банк капиталининг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилганлиги, банкнинг капитал билан таъминланганлик даражаси ҳамда банк капитали даромадлилиги ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашга асосланади.

Амалга оширилган тадқиқотлар банк капитали таркибини оқилона шакллантириш, етарлилигини таъминлаш борасида қуйидаги муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Улардан асосийлари:

тижорат банклари жами капитали таркибида қўшимча капитал салмоғининг жуда кичиклиги. Тижорат банклари жами капиталининг ўртача 95 фоизи асосий капитал ҳиссасига тўғри келиши;

тижорат банклари капитали таркибида аниқликнинг етишмаслиги;

тижорат банклари активлари хавф-хатарлик даражасининг пастлиги ва бунинг натижасида банк активлари даромадлилик даражасининг пастлиги;

банк капитали нобарқарор манбалар ҳисобидан ўсиб бораётганлиги муаммоси;

банк активларини таснифлашнинг самарали тизими мавжудэмаслиги;

тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантириш ва унинг

минимал даражасига нисбатан қўйиладиган талаблар хусусида ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этишда ва банк капитали таркибини такомиллаштириб боришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банклари «капитал хавф-хатари»ни камайтириш. Маълумки, капитал хавф-хатари дейилганда, банк активларининг бозор нархи ёки сифатининг ўзгариши натижасида капитал таркибидаги айрим манбалар камайиши натижасида банк капитали миқдорининг камайиш хавфи тушунилади. Капитал хавф-хатари банк капитали таркибида қайта баҳолаш захиралари қанчалик юқори салмоққа эга бўлса, шунчалик юқори бўлади.

Тижорат банклари устав капиталининг хорижий валютадаги қисмини конвертация қилиш ва хорижий валютада устав капиталини шакллантиришни таъқиқлаш банк тизимига бўлган инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади. Чунки, хорижий инвесторнинг ўз маблағини конвертация қилиб инвестицияга йўналтириши, юқори инфляция шароитида нафақат оладиган даромадининг, балки, қўйилмасининг ҳам қадрсизланишига олиб келади. Шу сабабли, инвесторлар барқарор валютада инвестиция киритишдан манфаатдор бўлади. Бироқ, банк устав капиталидаги хорижий валютадаги улуш валюта курси ўзгариши натижасида банк капитали миқдорининг ўзгариб туришига олиб келади.

Девальвация захирасини даромад сифатида солиққа тортиб, дивиденд сифатида тўлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Бу тижорат банки активлари ва капиталининг камайишига олиб келади.

Фикримизча, тижорат банклари девальвация захирасини капиталлаштириш лозим. Девальвация захирасининг доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиши –уни капиталлаштиришга имкон беради. Хориж амалиётида бутарзда қайта баҳолаш захираларининг (валюта, қимматли қоғозлар ва асосий воситаларни қайта баҳолаш захиралари) капиталлаштирилиши, яъни банк акциядорларига бепул акция тарқатиш

орқали устав капиталига қўшилиши «бонусли эмиссия», деб аталади. Янги чиқарилган акциялар банк активларини камайтирмайди ва олдин чиқарилган акциялар бозор баҳосини туширмайди. Бонусли эмиссия банк акциядорлик капиталини ошириб, барқарорлиги ўсишини таъминлайди. Одатда, капиталлаштириш устав капиталининг 20 фоизигача амалга оширилади. Бонусли эмиссия суммаси устав капиталининг 5 фоизигача бўлса, акциялар бозор баҳосида ва 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган қисми номинал қийматидаги акциялар сифатида тарқатилади.

Бунда акцияларнинг бозор баҳоси юқори бўлиши бонусли эмиссияда акциядорлар манфаатдорлигини оширади. Хориж амалиётига мувофиқ девальвация захирасининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда 3 йилда бир маротаба, 5 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган қисмини капиталлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизча, 5 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган девальвация захираси суммаси моҳиятан ўзини «оқлаган» бўлади. Чунки, девальвация захираси устав капиталини қайта баҳолаш натижасида гарчи, банк активлари ўсмаган ҳолда шакллантирилсада, банк пассивида активлар манбаси сифатида аксэтади. Мазкур активларни айнан кўрсатиб бўлмасада, улар беш йил давомида бир неча бор айланмада бўлиб ўзини оқлаган ҳисобланади.

2. Тижорат банкларининг қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Тижорат банклари консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмалар ва субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳажмини ошириш йўли билан қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятига эга.

3. Тижорат банклари акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг қўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим. Бунинг учун, энг аввало, тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш лозим. Бунда ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларга тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш,

инвесторларнинг банк акцияларига жалб қилган қўйилмалари ва улардан оладиган даромадларига нисбатан инфляция даражасини ва валюта курси таъсирини ҳисобга олиш зарур. Кўпгина тижорат банклари устав капиталини ошириш мақсадида соф фойданинг асосий қисмини бир неча йил кетма-кет капиталлаштиришлари уларнинг тўлайдиган дивидендлари камайишига олиб келмоқда. Соф фойданинг капиталлаштирилишида капитални шакллантириш матрицасидан фойдаланиш ва дивидендларнинг доимий ўсиш тенденциясини ушлаб туриш лозим. Акс ҳолда, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида акцияларга бўлган барқарор талабни юзага келтириш ва банк акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

4.Тижорат банклари капитали етарлилигини ҳаққоний тарзда акс эттиришни таъминлаш лозим. Маълумки, амалиётда тижорат банклари учун капитал етарлилиги сифат кўрсаткичларини бузиб кўрсатиш имконияти мавжуд. Айниқса, кредитларни нотўғри таснифлаш орқали муаммоли кредитлар учун эҳтимолий йўқотишларга доир махсус захира харажатларини камайтириш билан банк соф фойдасини асоссиз ошириши мумкин. Тижорат банклари харажатларини бу йўл билан камайтириши маълум давр учун ижобий натижа бериши мумкин. Лекин, бу ҳолат келгусида банкнинг инқирозга учраши учун замин яратади.

Мазкур муаммони бартараф этиш ва капитал етарлилигини ҳаққоний тарзда баҳоланишини таъминлаш учун капитал етарлилигини ҳисоб-китоб қилишда умумий капиталдан чегирмалар таркибига кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилмаган махсус захиралар суммасини киритиш лозим. Бу тижорат банкларининг соф фойдасини асоссиз равишда ошириш орқали капитални ўстиришга қаратилган хатти-ҳара-катларини самарасиз қилиб қўяди.

5. Банк капитали етарлилигини тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, айниқса, хавф-хатарликка тортилган активларни ҳисоб-китоб қилишда операцион хавф-хатарни ҳисобга олишни босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Чунки, операцион хавф-хатар

кредит хавф-хатаридан кейинги ўринда туриб, ушбу кўрсаткичнинг бирданига амалиётга жорий қилиниши капитал етарлилиги кўрсаткичининг бирданига кескин тушиб кетишига олиб келади. Бу эса, миллий банк тизимида бир қанча муаммолар пайдо бўлишига, тижорат банкларининг халқаро рейтинг кўрсаткичлари тушиб кетишига, натижада эса, хорижий ва миллий инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончи йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз банк тизимида тижорат банклари капитал таркибини шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бирқанча муаммолар мавжуд. Ўйлаймизки, ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида юқорида келтирилган йўналишлар бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши республикамиз банк тизимида банк капитали самарадорлигини ошириш ва унинг таркибини такомиллаштириб боришга имконият яратади, натижада республикамиз банктизими барқарорлиги таъминланади.

ХУЛОСА

Илмий-тадқиқотни бажариш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Халқаро Базель қўмитасининг мавжуд банк назорати бўйича стандарти ва унинг такомиллашган варианты бўлган Базель-II талаблари асосида республикамиз тижорат банклари капиталини шакллантиришга эришиш уларнинг капитал базаси мустаҳкамлигини таъминлайди.

2. Республикамиз барча банкларида яхлит стандартга асосан шакллантирилган кредит регистрлари мавжуд эмас ва бу жиҳат банкларда муддати ўтган кредитларнинг ҳаққоний даражасини кўрсатмасликка олиб келади. Ушбу омиллар Базел-IIнинг кредит рискига оид айрим талабларини ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигидан далолат беради.

3. Тараққий этган мамлакатларда депозитлар тижорат банклари пасивларининг ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди ва ушбу ҳолат банклар фаолиятининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Ушбу мамлакатларда умумий капитал пасивлар ҳажмида нисбатан паст салмоқни эгаллайди ва ушбу ҳолат капитал баҳоси юқори бўлган молиялаштириш манбаи эканлиги билан изоҳланади.

4. Тижорат банклари устав капиталининг хорижий валютадаги қисмини конвертация қилиш ва хорижий валютада устав капиталини шакллантиришни таъқиқлаш банк тизимида бўлган инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади. Чунки, хорижий инвесторнинг ўз маблағини конвертация қилиб инвестицияга йўналтириши, юқори инфляция шароитида нафақат оладиган даромадининг, балки, қўйилмасининг ҳам қадрсизланишига олиб келади. Шу сабабли, инвесторлар барқарор валютада инвестиция киритишдан манфаатдор бўлади. Бироқ, банк устав капиталидаги хорижий валютадаги улуш валюта курси ўзгариши натижасида банк капитали миқдорининг ўзгариб туришига олиб келади.

5. Тижорат банклари акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим. Бунинг учун, энг аввало, тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш лозим

6.Тижорат банклари капитали етарлилигини ҳаққоний тарзда акс эттиришни таъминлаш лозим. Маълумки, амалиётда тижорат банклари учун капитал етарлилиги сифат кўрсаткичларини бузиб кўрсатиш имконияти мавжуд. Айниқса, кредитларни нотўғри таснифлаш орқали муаммоли кредитлар учун эҳтимолий йўқотишларга доир махсус захира харажатларини камайтириш билан банк соф фойдасини асоссиз ошириши мумкин. Тижорат банклари харажатларини бу йўл билан камайтириши маълум давр учун ижобий натижа бериши мумкин. Лекин, бу ҳолат келгусида банкнинг инқирозга учраши учун замин яратади.

Мазкур муаммони бартараф этиш ва капитал етарлилигини ҳаққоний тарзда баҳоланишини таъминлаш учун капитал етарлилигини ҳисоб-китоб қилишда умумий капиталдан чегирмалар таркибига кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилмаган махсус захиралар суммасини киритиш лозим. Бу тижорат банкларининг соф фойдасини асоссиз равишда ошириш орқали капитални ўстиришга қаратилган хатти-ҳаракатларини самарасиз қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини янада оширишга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банклари капиталлашиш даражасини баҳолаш методикасининг такомиллашган варианты ишлаб чиқилиши лозим.

2. Республикамиз тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларини чиқариш ва инвесторларнинг ушбу акциялардан оладиган даромадларини солиқдан озод қилиш лозим.

3. Республикамиз тижорат банклари капиталининг ўсиш суръатини

уларнинг брутто активлари ўсиш суръатидан орқада қолишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун, биринчидан, банкларнинг умумий капиталининг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш лозим; иккинчидан, зарур ҳолларда юқори рискли активларнинг миқдорини камайтириш лозим.

4. Девальвация захирасини тижорат банкларининг келгуси давр даромадлари сифатида баҳолаш (девальвация захираси камида 10 йилга тақсимланиши лозим) ва унинг суммасини банкларнинг капитали таркибидан чиқариш лозим (агар девальвация захираси тижорат банкларида жорий давр даромади сифатида ҳисобга олинса, у ҳолда, банкларнинг солиққа тортиш базаси ошиб кетади).

5. Имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари тижорат банклари капиталининг таркибида ҳисобга олинмаслиги керак, чунки ушбу фонд маблағлари кредит сифатида ишлатилади, кредит эса, юқори рискли актив ҳисобланади.

6. Республикамиз тижорат банклари капиталининг ўсиш суръатини ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан орқада қолишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари умумий капиталининг ўсиш суръатига нисбатан бир йиллик меъёрий кўрсаткич белгиланиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари капитал таркибини шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бирқанча муаммолар мавжуд. Ўйлаймизки, ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида юқорида келтирилган йўналишлар бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши республикамиз банк тизимида банк капитали самарадорлигини ошириш ва унинг таркибини такомиллаштириб боришга имконият яратади, натижада республикамиз банк тизими барқарорлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни Т.: “Ўзбекистон” 2003 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни, 2003 йил 11 декабрь.
7. Ўзбекистон банк тизимини: ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами: Т. Ўзбекистон 2000 й. 245 бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Халқ сўзи. 2006 йил 17 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури” тўғрисида Тошкент ш., 2013 йил 4 январь, ПҚ–1902-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида” 2009 йил 30 март.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида" 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сонли

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. й.
2. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”.– Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005 й.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 2010 й.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й.
5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: “Ўзбекистон”. 2011 й.
6. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: “Ўзбекистон”, 2012 й.
7. Каримов И.А.Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – т.: Ўзбекистон,2013й.

IV. Дарслик ва ўқув адабиётлари

1. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие.- М.: Форум:ИНФРА- М. 2006 г.
2. Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград.1991. – 446 с.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. –Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. Т.1;
3. Бабаев Б.Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование. Автореф. дис... канд. эк. наук. – Ташкент: БФА. 2002.
4. Деньги, кредит, банки. Учебник под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова. М., 2004,
5. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцева Н.И. Банковское дело. – М.: КНОРУС, 2008. - С. 211-215.

6. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. - Б. 29.
7. Климович В.П. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. М. «Инфра-М» 2006 г.
8. Романовский В.М. и др. Под ред. Врублевский О.В, Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. -М.: Юрайт-Издат, 2006.
9. Rashidov O.Yu. va boshqalar. Pul, Kredit va Banklar. Darslik. –Т.: TDIU, 2010.
10. Ваҳабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга юмшатиш йўллари. Тошкент” Академнашр”, 2009.
11. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва курсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. -Т.: «Ўзбекистон», 2011.
12. А.В. Ваҳабов, Т.И. Бобокулов, Б.Т. Бердияров. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш йўллари. -Т.: “Молия”, 2012 й.

V. Статистик ҳисоботлар ва тўпламлар

2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги статистик ахборотномаси. -Т., 2011.
3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йил) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Статистическое обозрение Узбекистана за 2012 год. -Т, 2013г.
5. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012год. - Т., ЦЭИ, 2013г.
6. У.Кўқонбоев “Ўзбекистонда банк капитали самарадорлигини ошириш йўналишлари”// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №2/2013 й. 77-бет
7. Ф.Муллажонов “Ўзбекистонда банк тизими: барқарор ривожланиш, халқаро мезонларга эришиш йўлида” // Бозор, пул ва кредит. №1 2013

VI. Интернет сайтлари

1. <http://www.worldbankgroup.org>
2. <http://www.cbu.uz>
3. <http://www.mybank.ua>.

4. www.QQB.uz Annual Report 2011.pdf
5. [www. qqb.uz/OAV](http://www.qqb.uz/OAV) uchun.mht
6. <http://www.finansy.ru/eco/nao>